Бутун дунё пролетарлари, бирлашинг!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

49 йил чиқиши, № 58 (13.618).
10 МАРТ 1967 йил ЖУМА
Баҳоси 2 тийин.

Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига

КЎКЛАМ РАПОРТИ

Наманган пахта заводи кўкламни деҳқонларга қувончли хабар етказиш билан нутиб олмоқда. Чигит тозалаш иши тугалланди. Лаборатория анализлари чигитнинг юқори сифатлилигини исботлади. Наманганликлар квадратлар ҳосил қилиш ва тез униб чиқишга мослаштирилган 153-ф навли тунсизлантирилган уруғлик чигитни биринчи марта тарқатмоқдалар.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ

Кўгон локомотив депосининг коллективи йил бошидан бери оғир юкли поездларда нормадан ташқари 200 минг тонна юк ташиди.

Машинистлар Иван Ефимов ва Александр Сосаев Совет ҳокимиятининг эллик йиллиги шарафига мусобақада юксак кўрсатгичларга эришдилар. Улар йил бошидан бери нормага қўшимча равишда 8 минг тонна юк ташидилар.

(ЎзТАГ).

ИЛҒОР ПАХТА ТОЗАЛОВЧИЛАР

Бухоро, Фарғона областлари, Андижондаги Қўғай пахта тозалаш заводи, Бухоро пахта тозалаш заводи коллективлари ўтган йилги «оқ олтин» ҳосилини тезкорлик билан ишлашда жуда яхши натижаларга эришмоқдалар. Тола, момиқ ажратиб олишда энг юқори кўрсаткичларга эришган ана шу коллективлар корхоналар даврасида илғорликни эгалладилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва республика касаба союзлари Совети пахта тозалаш саноати корхоналари коллективларининг шу йил февраль ойи учинчи ўн кунлиги натижаларини кўриб чиқиб, бу коллективларга Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва республика касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғини беришга қарор қилдилар.

УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети умумий овқатланишни янада ривожлантириш ва яхшилаш чоралари тўғрисидаги масалани кўриб чиқиб тегишли қарор қабул қилдилар. Қарорда айтилдики, партия, совет, касаба союз, хўжалик органлари ва савдо ташкилотлари мамлакатда умумий овқатланишни ривожлантириш йўлида кейинги йилларда анчагина иш қилдилар. Ўтган етти йил мобайнида ошхоналар, кафелар ва ресторанларда ўринлар сони 80 процент кўпайди, умумий овқатланиш корхоналарининг ўзлари тайёрлаб чиқараётган маҳсулот қарийб икки баравар ортди, умумий овқатланиш корхоналарини холодильниклар, технология ва савдо ускуналари билан таъминлаш анча кўпайди. Бироқ умумий овқатланиш даражаси аҳолининг тез ўсиб бораётган эҳтиёжларидан ҳали ҳам кейинда қолмоқда. Ошхоналар, кафелар ва ресторанлар шохобчалари ҳали ҳам етарли эмас. Қишлоқ жойларида умумий овқатланиш суст ривожланмоқда. Аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти қўйилаётган талабларга жавоб бермаётир. СССР Савдо министрлиги. Центросоюз, СССР Министрликлари ва идоралари, бир қанча шаҳарлар ва районларнинг партия, совет, касаба союз ва хўжалик органлари умумий овқатланишни янада яхшилаш учун бор имкониятлардан фойдаланмаётирлар.

КПСС XXIII съезднинг директиваларига мувофиқ, умумий овқатланишни янада ривожлантириш борасида шу беш йил ичида катта тадбирлар амалга оширилиши керак, унинг товар оборотн тахминан 45 процент кўпайтирилиши, умумий овқатланиш корхоналарининг ўзи тайёрлаб чиқараётган маҳсулот 70 процент ортиши лозим. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ишчи ва хизматчилари икки кун дам олишдаги беш кунлик иш ҳафтасига ўтказилаётган шароитда умумий овқатланишнинг роли айниқса кучаяди. Яхши йўлга қўйилган умумий овқатланиш меҳнаткашларнинг дам олиш вақтларини, ўй-ишларини яхшироқ ташкил этишларига, болаларни тарбиялашга кўпроқ диққат ва эътибор қилишларига имкон беради. Уй шароитида овқат пиширишдан иборат машаққатли меҳнатдан аёлларни озод қилишга ва уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини оширишга амалда ёрдам беради.

КПСС XXIII съезднинг халқ фаровонлигини янада юксалтириш сохасидаги қарорларига мувофиқ КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети мамлакатда умумий овқатланишни анча яхшилашга қаратилган бир қанча чораларни ишлаб чиқдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, КПСС ўлка, область, шаҳар ва район комитетларига, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, меҳнаткашлар депутатлари ўлка, область, шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетларига СССР Савдо министрлигига, Центросоюзга, бошқа министрликлар ва идоралар, саноат корхоналарининг, маъмурий биноларнинг ва ўқув юртларининг лойиҳаларини тузиш ва уларни қуриш чоғида қурилиш нормаларга ва қоидаларига мувофиқ ошхоналар ва бошқа умумий овқатланиш корхоналари қуришни ва ускуналашни кўзда тутишга мажбурдирлар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, меҳнаткашлар депутатлари, ўлка, область Советларининг ижроия комитетларига, СССР қишлоқ хўжалик министрлигига ва центросоюзга қуйидагилар таклиф қилинди:

1967—1968 йилларда барча совхозларнинг марказий қўрғонларида ва йирик бўлимларида ошхоналар ташкил этишни таъминласинлар, шунингдек дала шийпонларига ва яйловларга иссиқ овқатни бевосита етказиб беришни уюштиришни яхшиласинлар;

Район марказларида умумий овқатланишни анча яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиб амалга оширсинлар, район марказларидаги ошхоналар ва кафелларда аҳоли талабига мос келадиган ҳар хил таомлар тайёрлашни, овқат ва масалliқларни уйга борib туришини, мактаб ўқувчиларн учун тушки овқатлар ва нонушталар тайёрлаб беришни таъминласинлар, мазкур кафеларда меҳнаткашлар ва ёшларнинг кечки бўш вақтларини ўтказишлари учун ҳамда турли маданий тадбирларни ташкил этиш учун шароит яратиб берсинлар;

Шаҳарлардаги илғор умумий овқатланиш корхоналарининг қишлоқ жойларидаги ошхоналар, кафелар ва ресторанларга аҳолига хизмат кўрсатишни яхши ташкил этиш, кўп меҳнат талаб қилувчи ишларни механизациялаш, овқат пишириш билан машғул бўлган ходимларга пазандаликни ўргатиш сохасидаги ўз тажрибаларини ёйиш йўли билан уларга ёрдам берсин, озиқ-овқат магазинларида таом масалliқларини ва кулинария маҳсулотларини сотиш ташкил этилсин.

Корхоналар ва қурилишларда умумий овқатланишни ташкил этишдаги камчиликларни йўқотиш чоралари кўрилсин, корхоналар раҳбарларнинг умумий овқатланишни ташкил этиш учун бўлган масъулияти оширилсин, кечки сменалардаги ишчиларни овқат билан таъминлашда тартиб ўрнатилсин. Ошхоналарда хилма-хил таомларнинг масалliқларини, ярим тайёр овқатлар ва кондитер маҳсулотларини тайёрлаш ва кенг миқёсда сотиш ташкил этилсин, ишлаб турган хотин-қизлар кўп бўлган саноат корхоналарда шу маҳсулотлар билан савдо қилишни кенгайтиришга алоҳида эътибор берилсин.

СССР Кўмир саноати министрлиги, СССР Қора металлургия министрлиги, СССР Рангли металлургия министрлиги, СССР Геология министрлиги, СССР Нефть чиқариш саноати министрлиги, газ саноати министрлиги, СССР Ўрмон, целлюлоза қоғоз ва ёғочсозлик министрлиги ҳамда СССР Савдо министрлиги, шахталар, рудниклар, қидирувчи геология партиялар ва экспедицияларда, газ қувурларининг қурилиш участкаларида, ўрмонларда, дарахтлар кесилаётган жойларда ва конларда ишчиларни иссиқ овқат билан таъминламоқ учун қўшимча чоралар кўришлари лозим.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, меҳнаткашлар депутатлари, ўлка, область Советларининг ижроия комитетларига, СССР қишлоқ хўжалик министрлигига ва центросоюзга қуйидагилар таклиф қилинди:

1967—1968 йилларда барча совхозларнинг марказий қўрғонларида ва йирик бўлимларида ошхоналар ташкил этишни таъминласинлар, шунингдек дала шийпонларига ва яйловларга иссиқ овқатни бевосита етказиб беришни уюштиришни яхшиласинлар;

Район марказларида умумий овқатланишни анча яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиб амалга оширсинлар, район марказларидаги ошхоналар ва кафелларда аҳоли талабига мос келадиган ҳар хил таомлар тайёрлашни, овқат ва масалliқларни уйга борib туришини, мактаб ўқувчиларн учун тушки овқатлар ва нонушталар тайёрлаб беришни таъминласинлар, мазкур кафеларда меҳнаткашлар ва ёшларнинг кечки бўш вақтларини ўтказишлари учун ҳамда турли маданий тадбирларни ташкил этиш учун шароит яратиб берсинлар;

Капитал қурилишга ажратилган маблағлар ҳисобидан, шунингдек пул билан таъминлашнинг марказлаштирилмаган маблағлари ҳисобидан мебель, савдо, технология ускуналари, холодильник ва бошқа ускуналар олиб бередилар, буларни умумий овқатланишнинг мазкур корхоналарига техника бериб қўядилар ва бу корхоналарга бериб қўйилган бинолар, ускуналар ва мебелларни капитал ва жорий ремонт қилиш ишларини ўз ҳисобларидан бажарадилар.

Давлат бюджетида бўлган совхозлар, олий ўқув юртлари, профессионал-техника билим юртлари, техникумлар, мактаблар, муассасалар томонидан умумий овқатланиш корхоналарига бир қанча технн хизматлар кўрсатилиши ҳам карорда кўрсатиб ўтилди.

Иттифоқдош ва Автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, меҳнаткашлар депутатлари, область, ўлка ва шаҳар Советларининг ижроия комитетлари, СССР Савдо министрлиги ва Центросоюз умумий овқатланиш корхоналарининг озиқ-овқат моллари га бўлган талабларини зарур ассортиментда тўла равишда таъминлаш чораларини кўришлари лозим.

СССР Савдо министрлигига, Центросоюзга, СССРнинг бошқа министрликлари ва идоларига, маҳаллий партия, совет ва касаба союз органларига қуйидагиларни таъминлаш таклиф қилинди.

Овқатларни абонементлар бўйича бериб туриш, комплекс нонуштталар, тушки ва кечки овқатлар тайёрлаб қўйиш, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, технология процесси узлуксиз давом этадиган цехларда ишлаб турган ишчиларга овқатни иш жойига эltиб бериш, тушки овқатлар учун олдиндан заказлар қабул қилиш каби хизмат кўрсатишнинг истеъмолчиларга қулай формалари фабрика-завод ва совхоз ошхоналарида ҳамда ўқув юртларининг ошхоналарида кенг жорий қилинсин, шунингдек меҳнаткашларнинг овқатланиш учун кетадиган вақтларини қисқартиришга имкон берадиган ва хизмат кўрсатишни такомиллаштирадиган бошқа тадбирлар амалга оширилсин;

Ресторанларда хизмат кўрсатиш маданияти анча оширилсин; ошхоналар, кафелар, закусочнийлар, ресторанларнинг ишлайдиган соатлари меҳнаткашларга кўпроқ қулайлик яратиб беришни назарда тутиб белгилаб қўйилсин; ошхоналар негизида кечки кафелар ва ресторанлар очиш кенг йўлга қўйилсин; умумий овқатланиш корхоналари кўрсатадиган хизматлар тўғрисида аҳоли кенг равишда хабардор қилиб турилсин.

Лаззатли таом тайёрлаш, аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини юксак даражага кўтариш борасида умумий овқатланиш корхоналаридаги илғор ходимларнинг тажрибасини кенг ёйиш мақсадида партия, совет, касаба союз ва савдо органларига ошхоналар, кафелар ва ресторанлар ишининг кўрикларини, таомларни ва кулинария буюмларнн энг яхши қилиб тайёрлаш ва безатиш учун ошпазларнинг район, шаҳар, область, ўлка ва республика конкурсларини ўтказиб, конкурсларнинг голибларига Фахрий ёрлиқлар, пул мукофотлари ва қимматли совғалар бериб туриш, кўриклар ва конкурсларнг натижаларини совет савдоси ходимлари кунида якунлайдиган қилиш тавсия этилди. Энг яхши ошпазларнинг истеъмолчиларга гоят манзур бўлган миллий таомлар, ўзлари ишлаб турган фирмага хос таомлар яратиш ва чиқариш борасидаги ташаббуслари ва профессионал маҳоратлари ҳар томонлама рағбатлантирилсин.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Савдо министрлигига, Центросоюзга, бошқа министрликлар ва идоларга ошхоналар, кафелар ва закусочнийларда унумсиз харажатларни қисқартириш, ёрдамчи хўжаликларнинг ва чўчқаларни боқиб семиртирувчи хўжаликларнинг маҳсулотидан тўғри ҳам тўлароқ фойдаланиш, ёввойи мевалар ва асал тайёрлашни кенгайтириш, маҳаллий кўлларда ва сувларда балиқ уруғини ва овлашни кўпайтириш йўли билан овқат нархларини камайтириш чораларини кўриш вазифасини юклади. Умумий овқатланиш ташкилотлари ва корхоналарининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини марказлаштирилмаган тартибда ва давлат чакана нархларидан ортиқ бўлмаган нархлар билан харид қилишлари кенг авж олдирилсин.

Ишлаб чиқариш корхоналарига ўз коллективларига хизмат қилаётган ошхоналарда овқат нархини арзонлаштирмоқ учун социал-маданий тадбирлар фондидаги маблағларнинг бир қисмидан фойдаланиш тавсия қилинди.

Умумий овқатланиш корхоналарини таом масалliқлари билан яхшироқ таъминламоқ ва шундай масалliқларни сотишни кенгайтирмоқ учун СССР Гўшт ва сут саноати министрлигига, СССР Балиқчилик хўжалиги министрлигига, СССР Озиқ-овқат саноати министрлигига ва СССР Савдо министрлигига 1967 — 1970 йилларда таом масалliқларини аҳолининг талабини қондирадиган миқдорда ва ассортиментда савдо ташкилотлари билан келишиб олган ҳолда кўпайтириш таклиф қилинди.

Енгил саноат ҳамда озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ва рўзғор асбоблари министрлигига, электрон саноати министрлигига, қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлигига умумий овқатланиш корхоналари учун машиналар ва ускуналарнинг янги турларини кўплаб ишлаб чиқаришни, шунингдек савдо-технология ускуналари ва холодильниклар учун запас қисмлар чиқаришни ташкил этиш топширилди. Автомобиль саноати министрлигига ҳамда химия ва нефть машинасозлиги министрлигига таом масалliқларини ташиш учун холодильниклар ўрнатилган автомобиль-рефрижераторлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва уларни савдо ташкилотларига етказиб бериш вазифаси топширилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР Енгил саноат министрлиги, СССР Биноқорлик материаллари саноати министрлиги ва СССР Химия саноати министрлиги СССР Савдо министрлигининг талабномаларига мувофиқ умумий овқатланиш корхоналари учун етарли миқдорда ва ассортиментда чинни-фаянс идишлар, сортли идишлар ва бошқа хил идишлар ишлаб чиқаришни йиллик планларда кўзда тутишлари лозим. СССР Госплани эса, умумий овқатланиш корхоналари учун мебеллар ажратишни планларда кўзда тутиши лозим.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 1967 — 1970 йилларда олий ва ўрта махсус ўқув юртларига студентлар ва ўқувчилар қабул қилишга ҳамда умумий овқатланиш корхоналари учун оммавий касбларга эга бўлган ходимлар тайёрлашга доир топшириқларни тасдиқладилар. Харьков шаҳрида умумий овқатланиш институти ташкил этишга қарор қилинди.

ВЦСПСга умумий овқатланиш корхоналарининг ишини касаба союзларининг маҳаллий комитетлари контроль қилиб туришини кучайтириш, жамоат контроли комиссияларининг диққат ва эътиборини овқатни юқори сифатли қилиб тайёрлашни таъминлашга, парҳез овқатлар ва даволаш-профилактика учун керакли овқатлар тайёрлашни яхшилашга, умумий овқатланиш корхоналара маҳсулотининг таннархини камайтиришга қаратиш вазифаси топширилди.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларига умумий овқатланиш корхоналарининг коллективларидаги партиявий-сиёсий ишни кучайтириш, партия ташкилотларининг ролини кўтариш, ошхона, кафе ва ресторанларнинг ходимларини олдиларига қўйган вазифаларни бажаришга, хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга сафарбар қилишда, шунингдек барча ходимларнн меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, одамни бағоят иззат ва ҳурмат қилиш, совет кишиларининг талабларини қондириш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиш руҳида тарбиялашда партия ташкилотларига ёрдам кўрсатиб туриш таклиф қилинди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети умумий овқатланишни ривожлантириш тўғрисида савдони бошқариш органлари, министрликлар ва идоралар, республика, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетлари, меҳнаткашлар депутатларининг маҳаллий Советлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари алоҳида ғамхўрлик қилишлари лозим, деб ҳисоблайдилар. Улар мамлакатда умумий овқатланишни яқин йиллар ичида тубдан яхшилашга эришмоқ учун бутун куч ва ғайратларини сарфлашлари зарур. Буюк воқеага — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигига тайёргарлик кўрилаётган бир вақтда партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва савдо органлари умумий овқатланиш ходимлари орасида товар оборотн ва маҳсулот тайёрлаб чиқариш планларни бажариш учун, аҳолига хизмат кўрсатишни бутун чоралар билан яхшилаш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришлари лозим.

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ Н. В. ПОДГОРНИЙ БИЛАН УЧРАШУВИ

Москва меҳнаткашлари вакиллларидан 2 минг киши 9 мартда ССР Иттифоқи Большой театрига тўпланишди. Бу ерда Ленинград сайлов округи сайловчиларининг РСФСР Олий Совети депутатлигига ўз номзоди — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний билан учрашуви бўлди.

Йиғилишни КПСС Ленинград район комитетининг биринчи секретари Е. А. Пирогов очди.

Ишончли вакил — «Коммунар» машинасозлик заводининг слесари, коммунистик меҳнат зарбдори В. М. Павловскийга биринчи бўлиб сўз берилади.

— Ҳозирги сайлов, — деди у, — совет халқи, бутун меҳнат аҳли жаҳоншумул-тарихий воқеа—Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган кунларда ўтмоқда. Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида ўтган ярим аср мобайнида эришган жуда катта муваффақиятлар билан чексиз фахрланмоқдамиз.

Нотиқ депутатликка номзод Н. В. Подгорнийнинг ҳаёт йўли тўғрисида, унинг давлат ва партиявий фаолияти ҳақида гапириб берди.

В. М. Павловский йиғилиш қатнашчиларини ва улар орқали округнинг барча сайловчиларини сайлов кунида Коммунистик партия ва Совет халқининг содиқ фарзанди Николай Викторович Подгорний учун яқдиллик билан ўз овозларини беришга заводнинг кўп минг кишилик коллективи номидан даъват этди.

Биз коммунистлар билан партиясизлар халқ блокининг номзодлари учун овоз берар эканмиз, — деди сўзининг охирида нотиқ, — партия XXIII съезди қарорларини, КПСС Программасини амалга ошириш учун овоз берган бўламиз, коммунизм учун овоз берган бўламиз!

Сўнгра йиғилишда медицина фанлари академияси Н. Н. Бурденко номли илмий-тадқиқот институтининг нейрохирург врачи Н. С. Абанмова, Москвадаги автомобиль-йўл институтининг ректори, техника фанлари доктори, профессор Л. Л. Афанасьев, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Зоя ва Александр Космодемьянскийлар номидаги 201-ўрта мактабнинг илмий бўлим мудири, РСФСРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Н. В. Красильщикова, «Знамя труда» машинасозлик заводининг шлифовщиги В. Н. Гавриловлар сўзга чиқдилар.

Улар халқимиз совет ҳокимияти йилларида қўлга киритган жаҳоншумул-тарихий ғалабалар тўғрисида, корхона ва ташкилотларнинг коллективлари Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини нишонлашга қандай тайёргарлик кўраётганликлари ҳақида фахрланиб гапирдилар. Нотиқлар сайлов кунида коммунистлар билан партиясизлар бузилмас халқ блокининг номзодлари учун яқдиллик билан овоз бериб, Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашганликларини яна бир марта намойиш қилишга даъват этдилар.

Йиғилиш аҳли самимий кутиб олган Н. В. Подгорний нутқ сўзлади.

ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

КИЕВ, 9 март. (ТАСС). Киев шаҳридаги Ленин сайлов округининг сайловчилари бугун Украина ССР Олий Совети депутатлигига ўз номзоди, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. Е. Шелест билан учрашдилар.

Ишончли вакил — Ленин орденли Киев метростройи қурилиш бошқармасининг смена бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Н. Мишченко ўз нутқида совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида амалга оширган улкан зафарлар, совет ҳокимиятнинг ярим асрлик юбилейига тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда айниқса ёркин намоён бўлмоқда, — деди.

«Спортодежда» тикув фабрикасининг ишчиси З. С. Ригина, Украина Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Д. В. Павличко, «Киевгорстрой-4» трести комплекс бригадасининг бошлиғи П. И. Адамчук, медицина фанлари доктори, Киев медицина институтининг профессори Т. В. Шлапак, Ленин район комсомол комитетининг секретари В. Т. Марушчак бу таклифни қўллаб-қувватладилар.

Йиғилиш аҳли самимий кутиб олган П. Е. Шелест нутқ сўзлади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДАН

Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Ортиқов шу йил 7 мартда тўсатдан вафот этганлигини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми чуқур қайғу билан маълум қилади.

СУРХОНДАРЯ. Шеробод районидаги «Коммунизм» совхозининг ишчилари агитатор Ж. Боймирзаевнинг номини ҳурмат билан тилга оладилар. У ҳамиша ишчилар, чўпонлар орасида бўлиб, уларни кундалик янгиликлар билан таништириб туради. Ушбу суратда (чапдан) Ж. Боймирзаевни чўпонлар орасида кўриб турибсиз.

А. Тўраев фотоси.

БЕЛЛАШГАНЛАР

Тошкент ва Андижон электр асбоблари заводлари коллективларининг ҳамкорлиги узоқ тарихга эга. Андижон электр асбоблари заводи 1961 йилда барпо қилинган. Корхонани тиклашда, ўрнатилган янги ускуналарни созлашда, қолаверса, дастлабки маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзлаштирилишида уларга тошкентлик ҳамкасблари яқиндан ёрдам бердилар. Андижонлик ишчиларни тошкентликлар шогирд қилиб олишди: андижонликларга йиғувчи слесарлик, штамповкачилик ва бошқа мутахассисликларни бажонидил ўргатишди.

Шу тариқа Андижондаги электр асбоблари заводи коллективида ўз касбини пухта ўзлаштириб олган кишилар кўпайиб борди. Уларнинг кўпчилиги ишлаб чиқаришдан ажрамаган ҳолда ўқиб билим олишди, қўшимча касблар эгаллашди. Ҳозир корхона коллективида ўз касбига ихлос қўйган малакали ишчи ҳамда мутахассисларни жуда кўплаб учратиш мумкин. М. Мухторова, З. Мамарасулова, Ш. Ҳасанова, М. Ҳакимова, М. Умарова, З. Дўсматова каби ўнлаб ёшлар мактаб партасидан тўппа-тўғри заводга ишга келишган. Ҳозирги кунда улар корхонанинг доврўғига доврўғ қўшишмоқда.

Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш йил сайин кўпайиб бормоқда. 1962 йилда 1 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган бўлса, ўтган йили 6 миллион сўмликдан кўпроқ турли хил электр асбоблар ишлаб чиқарилди. Беш йил мобайнида заводда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми беш баравар ортди. Электр ускуналарнинг жуда кўп янги хилларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Шу кечакундузда корхона Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ССРдаги пахта тозалаш саноати корхоналарини электр ускуналари билан таъминлаб турибди.

Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан оширилган мажбуриятлар қабул қилинаётганда, холис бир таклиф ўртага ташланди. Тошкентлик ҳамкасблар билан беллашиш истаги айтилди. Шунда андижонликлар юбилей йили ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 25 декабргача бажариш, пландан ташқари 110 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга сўз беришди. Меҳнат унумдорлигини планда кўрсатилганидан 1 процент кўтариш тадбирлари ишлаб чиқилди. Қўшимча равишда 10 минг сўм фойда кўриш режалари тузилди. Тежамкорлик соҳасида ҳам бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилди ва улар муваффақият билан амалга оширилмоқда.

Андижонлик машинасозлар Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги нишонланадиган кунгача коммунистик меҳнат корхонаси деган номга сазовор бўлиш учун кураш мусобақасини авж олдириб юборишдилар. Машинасозлар даврасида келгуси йилда планлаштириш ва моддий манфаатдорликни оширишнинг янги системасига ўтиш учун тайёргарлик ишлари жадал суръатлар билан боряпти.

Андижон электр асбоблари заводи азаматлари ўзларининг умумий йиғилишларида ана шу режаларни муҳокама қилдилар ва Тошкент электротехника заводи коллективини социалистик мусобақага чақирдилар.

М. РАҲИМОВ.

Хоразм областидаги Гурлан пахта тозалаш заводи коллективи юбилей йилини янги меҳнат зафарлари билан нишонлашга ваъда қилган. Пахта тозаловчилар кейинги бир ой ичида ишлаб чиқаришда, айниқса, юқори кўрсаткичларга эришдилар. Завод меҳнат аҳли юбилей йилидаги дастлаб ки муваффақиятлари учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва касаба союзлари республика Советининг кўчма Қизил байроғини қўлда сақлаб келмоқда. Суратда (чапдан ўнгга): корхонанинг илғор ишчиларидан бир гуруҳи — пресловчи Нурмат Раҳимов, слесарь Камол Жумамуродов, смена мастери Урозмурод Урозбоев, машинист Абдурайим Шоҳиев ва моник ажратувчи Шермат Курмамбоев ўртоқлар.

Н. Ключнев фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

Хушхабарлар элчиси

Қирғиз ака Тошбоевни Янгиқўрғон районидаги «Ленинизм» колхози аъзолари «Хушхабар лар элчиси» дейишади. У 25 йилдан бери почтальонлик қилади. Қирғиз ака обуначиларга газета-журналларни, кўп болали оналар ва пенсионерлар пулини ўз вақтида элтиб бермоқда. Яқинда район алоқа бўлими Қ. Тошбоевни мақтов қоғози билан тақдирлади.

Қ. Маликов.

Янги «одат»

Биз, Янгийўл район Эскиқовунчи қишлоқ Совети территориясида истиқомат қилувчи обуначилар газета-журналларни вақтида олдирамиз. Почтальон янги «одат» чиқариб олди — уч-тўрт кунлик, ҳатто ҳафталик газетани бир йўла ташлаб кетади.

З. Ҳожимуҳамедов, пенсионер.
Р. Бекмирзаев,
А. Неъматжонов,
Х. Соатова,
Ҳамза номли мактаб ўқитувчилари.

Газетхонлар ранжимоқда

Мен 1967 йил учун «Совет Ўзбекистони», «Советский спорт» газетаси, «Тошкентдан гапирамиз» программасига обуна бўлганман. Лекин почтальон уч-тўрт сонини бир йўла элтиб беради. Умуман, Бешбола қишлоғидаги обуначилар район алоқа бўлимининг хизматидан ранжишмоқда.

Б. Аралов.

Обуна бўлдик, аммо...

Бизлар газета ва журналларни ўз вақтида олмаяпмиз. Шаҳар алоқа бўлими бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Л. С. Костюкка бу ҳақда мурожаат қилсак, у «21-алоқа бўлими бошлиғи ўртоқ Мардон Худоёровга телефон қилиб гаплашдим, яқинда қўшимча почтальон беramиз дедпти», — дея қўйнимизни пуч ёнғоққа тўлдириб хайрлашиб қолди. Орадан 15-20 кун ўтгач, шаҳар алоқа бўлимининг бошлиғи ўртоқ Д. Исматов ҳузурига бориб, дардимизни айтган эдик, у уялмай-нетмай: «Бу менинг ишим эмас, бу иш билан муовиним шуғулланади» деб ўқиқирди.

Обуначиларнинг арзига ким қулоқ солар экан?

Самарқанд шаҳар, Ўзбекистон кўчасида яшовчи бир группа обуначилар номидан: М. ҲАКИМОВ.

Бошланғич ташкилот — партиянинг асоси

ЖАМОАТ ТОПШИРИҒИ

Саъдулла Абдуллаев ўз хонасига кириб, иш бошлашга тутинган ҳам эдики, эшикни очиб бир кампир кириб келди:

— Болам, сизга арз билан келдим, — у стулга ўтирар экан, партком секретарига қаради.

Эшитаман, онажон, гапиаверинг, тортинманг, — С. Абдуллаев аёлнинг юзидаги иккиланишни сезиб, унга далда берди ва кампирнинг ёнига ўтиб ўтирди.

— Мен сизларда ишлайдиган шофер Муҳаммаджон Рўзиевнинг онаси бўламан, — кампирнинг кўзларидан ёш думалаб кетди. — Ўғлим уйга жуда кеч қайтадиган бўлиб қолди, анчадан буён пул ҳам олиб келмайди. Отаси бетоб, касалхонада, ёрдам берсангиз.

Цех партия ташкилотининг секретари кампирнинг гапларини диққат билан тинглади, дафтарчасига нималарнидир ёзиб олди. Сўнг кампирни тинчлантириб, албатта ёрдам беришга ваъда қилди. У аёлни кузатиб, энди жойига ўтиришни билан хонага яна бир аёл кирди. Бу, такси шофёри Б. Ковтуннинг хотини — М. А. Ярошенко эди. У эрининг мудом маст ҳолда келаётгани, уйда жанжал чиқараётгани ҳақида шикоят қилди. М. Ковтуннинг тўғри йўлга ўтишига ёрдам беришни С. Абдуллаевдан илтимос қилди. Секретарь ўйланиб қолди. Б. Ковтун партия аъзоси эмас. Лекин Мария Афанасьевнага бундай деб бўлмайди. Чунки партия ташкилоти коллективдаги ҳар бир ишчига гамхўрлик қилиши керак.

— Хафа бўлманг, ёрдам берамиз. Борис энди ичмайди,— у аёлни бунга ишонтирди ва М. А. Ярошенко чиқиб кетгандан кейин қоғоз олиб ёзишга киришди. У Рўзиев масаласини навбатдаги бюрога қўйиш, Б. Ковтунга эса бирор таъсирий чора қўллашни автоколонна маъмуриятига ҳавола қилиш, ҳар ниқала онлага ҳам зудлик билан комиссия юборишни ўйлаб, ишчиларнинг ахволи билан танишиш ва бу тўғрида коммунистларни хабардор қилиш тўғрисида бир қарорга келди.

Партком бюросида такси шофёри М. Рўзиев айбига иқрор бўлди. Иккинчи марта бундай қилмасликка, ота-онасини ранжитмасликка коммунист деган шарафли номни ҳамиша пок сақлашга сўз берди. Коммунистлар унинг чин сўзига ишонишди. Ҳақиқатан ҳам Рўзиев кейинги вақтда интизомли шофёрлардан бири бўлиб қолди.

Б. Ковтуннинг хатти-ҳаракати ишчиларнинг умумий йиғилишида муҳокама қилинди. Сўзга чиққан Чориқов, Саидхўжаев, Нуриддинов, Ҳарьков каби шофёрлар унинг бутун камчиликларини очиб ташлашди. Унга гузалиш йўлига ўтиш учун фойдали маслаҳатлар берилди. Ҳамкасабаларининг сўзлари Ковтунга таъсир қилди. У ҳам ўз қилмишларидан афсусланди, ичмасликка аҳд қилди.

Тошкент шаҳридаги 1-таксомотор автокомбинатига қарашли 2-автоколонна бошланғич партия ташкилотининг секретари Саъдулла Абдуллаев партия ишини яхши билиши, принципиаллиги, хўжалик манфаати учун жон куйдириши, меҳрибонлиги билан коммунистлар орасида эътибор қозонган, 1964 йилда автоколонна партия ташкилотига бошланғич ташкилот ҳуқуқи берилди. Бу эса хўжалик коммунистларининг ҳуқуқини, обрўсини, уларга юкланган вазифа учун масъулиятни янада ошириб юборди. С. Абдуллаев уч йилдан буён шу ерда секретарь. Ўзи тажрибали шофёр. Ўн йиллик иш фаолиятида бирор-та ҳам авария, нохуш воқеага йўл қўйгани йўқ. Пассажирлар ҳам, хўжалик мамъурияти ҳам, ҳамкасабалари ҳам унинг тўғрисида мамнуният билан гапирадилар. Жуда кўплаб ёш шофёрлар унинг бой тажрибасидан ўрганадилар.

Партия ташкилотининг секретарлиги унга коллектив томонидан юкланган жамоат вазифаси, партия топшириғи. У бу вазифани бажонидил бажариб келаётир. Шуни айтиш керакки, кундалик ишдан ажралмаган ҳолда коммунистларга раҳбарлик қилиш, кишидан ташкилотчилик қобилиятига эга бўлишни, кўп ўрганишни талаб қилади. Халқимизда «Қуруқ сап қулоққа ёқмайди», деган оқилона мақол бор. С. Абдуллаев ана шунга амал қилиб, коммунистларга бекордан-бекорга ваъзхонлик қилавермайди. Улардан топширилган иш учун масъулият сезишни талаб қилади. Ҳар бир коммунистнинг коллектив аъзолари ўртасида намуна бўлиши учун ҳаракат қилади.

Ҳозир партия ташкилоти диққат-марказида иқтисодий реформа масаласи турибди.

— Хўжаликни иқтисодий реформага кўчириш коммунистларга жуда юксак масъулият юклайди, — дейди С. Абдуллаев. — Партия ташкилоти бунинг учун барча имкониятлардан фойдаланяпти.

2-автоколонна коммунистлари ўз секретари билан фаҳрланишга ҳақлидир. Чунки, С. Абдуллаев ҳар бир партия аъзосининг қалбига йўл топа олади, уни ташаббус кўрсатишга, умум манфаати учун ҳисса қўшишга руҳлантира олади. Шунинг учун ҳам коллектив пассажир ташиш бўйича ойлик планларни ортиғи билан бажармоқда. Бунда ўз вазифасига ҳамиша ижодий ёндашувчи, тинғиб-тинчимас партия раҳбари С. Абдуллаевнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

И. СУЛТОНОВ.

ЮКСАК ИШОНЧ

(ХАТЛАРГА ОБЗОР)

Давлат ва халқ ўқитувчиларга мурғак ниҳолни, ёш авлодни шакллантиришдек мураккаб ишни, яъни ўзининг келажаги ва орзу-умидларини ишониб топширади. Бу — ўқитувчиларга нисбатан юксак ишончдир, бу ишонч ўз навбатида ўқитувчиларимизга жуда катта масъулият юклайди.

Ўз ишига садоқат билан қараётган, ёш авлодни авайлаб ўстираётган, унга дунё, фан сирларини бирма-бир аён қилиб бераётган, шу билан бирга ўз илми ва маҳоратини ҳам тобора ошириб бораётган жонбоз маорифчилар ҳақида редакцияга жуда кўплаб хатлар келмоқда. «Нурота районидаги 10-мактабнинг биология ўқитувчиси Исроил Худойбердиев Тошкент Давлат университети биология факультетининг юқори ўсимликлар систематикаси кафедрасида сиртдан аспирантурада ўқияпти, — деб хабар қилади А. Санақулов. —...у қишлоқ аҳолиси ўртасида партия ва ҳукуматимиз қарорларини кенг пропаганда қилишда ҳам намуна кўрсатмоқда».

Худди шунга ўхшаш фидокор ўқитувчилар ва мактаб коллективлари ҳақидаги материалларни Фарғона область, Киров районидаги Рапқон қишлоқ Советида ишловчи О. Ўсаров, Андижон районидаги 11-мактабдан Т. Хатамов, Вўз районидаги «Мингбулоқ» совхозидан Э. Мўйдинов, Тошкент область, Оржоникидзе районидаги Сижжак қишлоғида гуруввчи педагог Т. Марачмов, Андижон область, Ўйчи районидаги Жийлакапа қишлоқ Советида истиқомат қилувчи М. Тўраев, Андижон педагогика институтининг студенти А. Азаматов, Самарқанд область, Ургут районидаги 34-мактаб ўқувчиси М. Каюмов, Қашқадарё область, Яккабоғ районидан Ҳ. Турдиев, Ўрта Чирчиқ районидаги 82-мактаб ўқитувчиси М. Қаюмов, шу райондаги Тарас Шевченко номли мактабдан Т. Иброҳимова, Урганч районидаги Низомий номли мактаб ўқитувчиси Р. Матмуродов, янгиерлик С. Имомқулов ва Ҳ. Кенжаев, Тошкент Давлат университети журналистика бўлимининг студенти Б. Екубов ва бошқа ўртоқлар юборишган.

Лекин, юқоридаги дилни қувонтирадиган хушхабарлар билан бир қаторда, масъулиятсиз ўқитувчилар, кўпчилик талабига эътиборсизлик билан қарайдиган баъзи мактаб мамурлари ишига ҳақли эътироз ва афсус билдириб ёзилган хатлар ҳам келаётир. Бундай хатлар Қамаши районидаги «Ёш гвардия» мактабидан, фарғоналдаги Шўрчи районидаги Тарас Шевченко номли мактабда таълим олаётган бир гуруҳ ота-оналардан ҳам олинди.

Ўқитувчилик — ҳам нозик, ҳам олижаноб касб, маориф иши эса — улуғ соҳа. Унга меҳр билан қараш, ҳар бир ўқитувчи ўзининг бор кучи ва истеъдодини мактаб коллективининг обрўйини кўтариш, таълим-тарбия ишларининг сифатини яхшилашга қаратиши керак. Ана шундай қилингандагина ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялашдек масъулиятли ишимизда янги муваффақиятларга эришаверамиз.

Ахлоқ, одоб мавзуида

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТХОНЛАР ДАВРАСИДА

КИЙИНИШДА ГАП КЎП

Ўғилларимизни касб-ҳунарга, жисмоний меҳнатга, қизларимизни эса рўзғор ишларини бажаришга, қийим-кечан тикишга, пазандалиққа, саранжомликка, озодаликка, одобли бўлишга ўргатишимиз лозим.

Дид билан кийина билиш ҳам одобга киради. Бу қатъий қонун ёки қоидага бўйсунадиган нарса эмас, албатта.

Баъзи қизларимиз сочларини ҳаддан ташқари беўхшов причёска қиладилар, бир неча кунгача ечмайдилар, тарамайдилар ҳам. Сочларининг орасига ҳаво кирмайди, темир шпилналар кўплаб қадалади, сочни сиқиб қўяди, томирларнинг сиқилиши туфайли сочлар ўсмай қолади. Қизларимиз сочларини соддагина ўриб орқага ташлаб юрсалар, бу билан «эскича» бўлиб қолмайдилар-ку ахир?! Соч ҳусни-ҳуси қўшади, қизларимиз қоматини янада кўркам қиладилар. Баъзи қизларимиз эркаклар қўл соатини янгича «мода» деб тақиб юриш одатини чиқарганлар. Ҳолбуки, магазинларда хотин-қизлар учун ихчам, чиройли қўл соатлари истаганча бор. Калта, унинг устига ўта тор юбкаларда юриш ҳам ўтириб-туришга жуда ўнғайсиз. Лекин баъзилар нима учундир шуни афзал билишади. Унинг ўрнига ярашиқлироқ, юриш-туришга ўнғайроқ кийим кийишса бўлмасмикин? Ахлоқ-одоб қоидаларига амал қилиш, ёшларимизни коммунистик жамиятнинг онгли, қаттар нурашчиси қилиб етиштириш фақат ота-оналарнинггина эмас, ҳаммамизнинг ҳам муҳим вазифамиздир.

Ш. ҚУШОҚОВА,

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг ўқитувчиси.

23 ЙИЛДАН СЎНГ

«Мен Озарбайжон ССР, Нахичеван шаҳрида яшаётган ва шу ерда ишлаётган Жумаева Эркинадирман. Ёшим 23 да. 14 ёшгача Самарқанддаги болалар уйида тарбияланганман. Ота-онамни танимайман.

1953 йили менинг олдимга бир аёл кириб келди. У, онамининг ҳозир Булунгурда яшаётгани ва ўқитувчи бўлиб ишлаётганини айтди. Мен у вақтларда ёш бўлганим сабабли аёлнинг юз қиёфасини тасаввур қила олмайман.

Мен 1958 йили 8-синфни битирдим. Шундан кейин бизни Тошкентга ишга юборишди. У ерда ишлаб юриб, ҳамиша онамни топа оларманми, деб ўйлардим. 1963 йилда турмушга чиқдим ва эрим билан Нахичеванга кўчиб келдим. Ҳозир мен бир боланинг онасиман. Уғлимиз 3 ёшда. Турмуш ўртоғим билан иноқ яшаяпман.

Мен ўзбек қизиман. 1943 йилнинг 17 июлида туғилганман. Онамни кўргим келади. Дийдорини кўрсам армоним йўқ эди. Онамни топишга ёрдам беринглар! Ҳозир Нахичеван шаҳрининг Низомий номли кўчасидаги 10-уйда тураман. Фамилиям эримнинг номига ўзгартирилиб Азизян Лола деб юритилди. Онамнинг хабарини сабрсизлик билан кутаман».

Жумаева Эркина — Лола исмли аёлнинг мантуби Булунгур районидаги «Коммунист» газетасида «Онамни қидиряпман» сарлавҳаси остида босилиб чиқди. Ҳуллас, бу хушхабар кўп йиллардан бери фарзандини топа олмасдан доғда юрган азиз ота-онанинг ҳам қулоғига бориб етди.

Шундан сўнг Эркина — Лолани меҳрибонлари — отаси Мелибой Омонов, муштипар онаси Ноғбувиш, опаси Хайринисо, синглилари Курбоной, Маҳнамой, Тожихон ва укаси Тошбойларнинг меҳри билан битилган хатлари қардош Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрига бирин-кетин жўнатилди. Уларнинг бирида узоқдаги номаълум бўлган жигаргўшанинг сурати сўралса, бирида унинг кимнинг қўлида тарбиялангани, қандай қилиб Узбекистондан Озарэлига кетиб қолгани сўралади.

Орадан кўп вақт ўтмай ота Озарбайжон сари йўл олди нуридийдаси яшаётган хонадонга кириб борди. Шунда ота билан фарзанд бир-бирини маҳкам қучоқлашганини кўз олдингизга келтиринг-а!!

Ўтган йил кузда Эркина — Лола ва Рафиқлар оиласи Булунгурга кўчиб келишди.

М. БЕРДАЛИЕВ,
Ф. ХУЖАНАЗАРОВ,
Булунгур райони.

3 МИЛЛИОН 775 ТА ЮТУҚ

Бу йил пул-буюм лотереяси ўйинлари олти марта ўтказилади. Бунда 8 миллион 775 минг сўмлик ютуққа эга бўлган 29 миллион 250 минг лотерея билети чиқарилади. Лотерея ўйинлари ютуқларига умумий суммага нисбатан 60 процент миқдорида ютуқ тўланади. Қолган 40 процента миқдоридаги маблағлар маҳаллий бюджет ихтиёрига тушиб, социал-маданий тадбирларга сарфланади.

Лотерея ютуқларига «Волга», «Москвич» автомашиналари, «М-63-У», «ИЖ-Планета» мотоцикли, пианинолар, мотороллер, телевизор, холодильник, мотовелосипед, радио, магнитафон, кир ювиш машиналари, гилам, гилам поёндозлар, юнокамералар, жун рўмоллар, соқол олиш машиналари, вентилятор ва бошқа шу каби қиммати буюмлар берилади.

Биринчи чиқарилган лотерея тиражи 26-27 февралда Фарғонада ўйналди, иккинчиси 23-24 апрелда Каттақўрғон, учинчиси 25-26 июнда Қарши, тўртинчиси 27-28 августда Ленинск, бешинчиси 29-30 октябрда Бекобод, олтинчи тиражи 24-25 декабрда Тошкент шаҳрида ўтказилади.

С. ОТАБЕКОВА,

Узбекистон Давлат кредити ва давлат меҳнат омонат кассалари бошқармасининг бошлиғи.

ЯНГИЛИККА ИНТИЛИБ

Хизмат вазифаси юзасидан республикамиздаги қўшгина озиқ-овқат, гўшт-сут ва балиқ саноати корхоналарида бўлишга тўғри келади. Ҳамма ерда Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига оширилган мажбуриятлар олиб меҳнат қилаётган кишиларга дуч келасиз. Уларнинг ишлаб чиқаришда қўлга киритаётган муваффақиятлари ҳар бир кишини мамнун қилади.

Озиқ-овқат саноати корхоналарининг меҳнаткашлари юбилей йилининг дастлабки кунларидаёқ ғайрат билан ишга киришдилар. Кўпгина коллективлар ўтган йилги муваффақиятларни мустаҳкамлаб янги марраларни кўзламоқдалар. Тошкент гўшт комбинати (директори Т. Илҳомов ва касаба союз комитетининг раиси Н. Шотиллаев ўртоқлар), Самарқанд сут-мой комбинати (директори А. Далаева ва касаба союз комитетининг раиси А. Солиев ўртоқлар) коллективлари ўтган йилнинг IV кварталида якунларига яхши натижаларга эришдилар. Бу коллективлар Бутииттифоқ мусобақасида ғолиб чиқанликлари учун яқинда СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС. СССР Гўшт-сут саноати министрлиги ва озиқ-овқат саноати ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқларини олишга муваффақ бўлдилар.

Қўқон нон комбинати, Учқўрғон ва Кўқон ёғ-мой комбинатлари, Тошкентдаги 3-нон заводи ҳам юбилей йилида қувончли ютуқларни қўлга киритмоқда. Меҳнат Қизил Байроқ орденли Андижон ёғ-мой комбинати, Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси, Каттақўрғон ёғ-мой комбинати, Янгийўл колбаса заводи ижодкорлари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, сарф-харажатларни камайтириш, янги техника ва илғор технологияни жорий қилишнинг байроқдорлари бўлиб қолдилар. Янгийўл колбаса заводининг рационализаторлари корхонадаги барча технологик жараёнларни автоматлаштириш билан меҳнат унумдорлигини мунтазам равишда оширишга муваффақ бўлдилар. Ўтган йили улар 100 минг сўмдан ортиқ қўшимча фойда олишга эришдилар.

Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси планлаштириш ва моддий манфаатдорликни оширишнинг янги системасига ўтиб ишлай бошлаганидан буён ишчилар инженер-техник ходимлар ўртасида ташаббускорлик кучайиб боряпти. Ўртоқ С. Мансуров бошчилик қилаётган бригада коммунистик меҳнат коллективи номини олишга муваффақ бўлди. Бригада ҳар сменада планга қўшимча 7-10 процент маҳсулот тайёрламоқда. Ташаббускор ва ташкилотчи бригадир ўртоқ Мансуров яқинда Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди.

Янгийўл ёғ-мой комбинатида меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш йўлида қўйилган дастлабки қадамлар кишини қувонтиради. Бу ерда 4 та ижодий бригада тузилди. Бригадага етакчи муҳаҳассислар ва новатор ишчилар жалб қилинган. Улар меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш масалалари билан шуғулланиб, янги резерваларни ишга солмоқдалар, кўплаб хом ашё ва маблағларни тежаб қолаётирлар. Вагонлардан юкларни тушириб олиш ва юк ортишни механизациялашнинг ўзи 1500 ишчи соатини иқтисод қилиш, йил давомида транспорт харажатлари учун 3 минг сўм кам маблағ сарфлаш тадбирлари ишлаб чиқилди. Янгийўлликларнинг меҳнатни илмий асосда ташкил қилиш борасидаги тажрибалари республиканинг бошқа корхоналарида ҳам оммалаштиришга арзирли.

Озиқ-овқат саноати корхоналарининг меҳнаткашлари 1967 йилнинг январь ойида планлаштирилган 2,5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрладилар. Бу ҳали ишимизда камчиликлар йўқ деган гап эмас. Шу кеча-кундузда касаба союз ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Касаба союз комитетларига ишчан, обрўли, меҳнаткашларга ғамхўр ва тадбиркор кишилар сайланмоқда. Шундай йиғилишларда эришилган ютуқлар қайд қилиниши билан бирга, камчиликлар ҳам рўй-рост очиб ташланмоқда. Тошкент ёғ-мой комбинатида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида ишчиларга ғамхўрликни кучайтириш кераклиги алоҳида таъкидланди. Бир қанча фойдали таклиф ва мулоҳазалар айтилди.

Корхоналаримизда ҳали жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Машина-ускуналар қувватидан тўла фойдаланмаслик ҳолларига дуч келамиз. Ишчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек амалга ошириляпти деб бўлмайди. Бу эса ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилишига таъсир кўрсатмоқда. Ўтган йили балиқ овлаш 1965 йилдагига қараганда 86 процент ва консерва ишлаб чиқариш 89 процент бажарилганлиги балиқ саноати корхоналарида ҳали жуда кўп ишлар қилиниши лозимлигини кўрсатиб турибди.

Юбилей йили яхши бошланди. Озиқ-овқат саноати корхоналари март ойида ҳам муваффақиятли ишламоқдалар. Касаба союз ташкилотлари ишдаги камчиликларни бартараф қилиш йўли билан меҳнаткашларнинг юбилей совғаларини кўпайтириш борасидаги мусобақаларини авж олдиришда бундан буён ҳам ташаббускор бўлаверадилар. Касаба союз ташкилотларининг олий ниятишу.

С. ЭРГАШЕВА,

Озиқ-овқат саноати ходимлари касаба союзи республика комитетининг раиси.



Луганск қурилиш поезднинг сергайрат бинокори ўртоқ Л. Лунина ҳар сменада 1000 ўрнига 1200-1300 тадан ғишт термоқда. Ўртоқ Лунина ва унинг ҳамкасблари Тошкентда янги уй-жой бинолари қуриш суръатларини тезлаштиришга муносиб ҳисса қўшаётирлар. Юқоридаги суратда: қўли гул бинокор Л. Лунина. Тастдаги суратда: Чилонзорда тиклинган янги уй-жой кварталлари.

А. Тўраев фотолари.

КЎКЛАМ НАФАСИ

Ҳали кунлар унча исиб кетмаган бўлса-да, «Правда» колхози пахтазорларида меҳнат қизғин. Ҳамма далага чиққан. Бироз маҳаллий ўғит ташиётган бўлса, яна бировлар ариқ-зовурларни қазиш билан банд.

Колхозчилар ва механизаторларнинг ҳалол меҳнатлари туфайли мўл ҳосилга мустаҳкам замин яратилмоқда. 15 от-арава, 11 трактор прицепи билан ҳар куни далага 80-100 тонна гўнг ташиб чиқарилаётир. Ҳозир далага 2600 тонна гўнг чиқарилди. Колхоздаги Бузғун, Хоним каби ўнлаб ариқлар тозаланди. Пландан ташқари 1660 кубометр ҳажмда ариқ-зовурлар кавланди.

«Правда» колхози илғори камқувват ва қолоқ хўжалик ҳисобланар эди. Сўнгги учтўрт йил ичида бу ерда колхоз ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган бир қанча муҳим тадбирлар амалга оширилди. Натижада колхоз илғорлар қаторига кўтарилди.

Айниқса ўтган йилги кўрсаткичлар кишини қувонтиради. 1788 гектар ерда пахта ва сабзавот етиштирилди. Ҳар гектар ердан 33 центнердан пахта, 201,9 центнердан сабзавот олинди. 1778 тонна пахта сотилиб, план 113,7 процент бажарилди. Полиз экинлари ҳосили мўл бўлди. Бу соҳадаги тошпирик 154 процент бажарилди. Бундан ташқари, шаҳар меҳнаткашларига 5888 тоннадан знёдроқ сабзавот маҳсулотлари сотилди.

Фидокорона меҳнат катта даромад келтирди. Колхозчиларнинг ҳар бир меҳнат кунига 4 сўм 48 тийиндан пул тақсимланди.

Колхоз беш йилликнинг иккинчи йилида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини янада ошириш тўғрисида тадбирлар белгилаб пахта ҳосилдорлигини бу йил 42 центнерга етказишга қарор қилди. Бунинг учун барча куч ва техника воситаларидан, минерал ва маҳаллий ўғитлардан оқилона фойдаланилмоқда. Колхоз ишлаб чиқаришига комплекс механизация кенг жорий этилмоқда.

Аввало шуни айтиш керакки, 1788 гектар пахта ва сабзавот майдонининг ҳаммаси аллақачонлар сифатли шудгорлаб қўйилган. Шудгорлашдан олдин ҳар гектар ерга 250 килограммдан суперфосфат, 7-8 тоннадан гўнг солинган.

Колхоз устахонасида болғаларнинг тақир-туқири, моторларнинг овози, тракторчиларнинг, ремонтчиларнинг гурунгига қўшилиб, меҳнат симфониясидек жаранглайди. Ҳа, кўклам нафаси сезилиб қолди.

Колхоз бош инженери Обиджон Бадалов шу ерда экан. У ремонтдан чиқарилган механизмларни бирма-бир кўздан кечириб юрибди.

— Тракторларнинг ремонти ҳам тугай деб қолди,— деди Обиджон Бадалов саф тортиб турган турли маркадаги машиналарга ишора қилиб. — «ДТ-24» тракторидан 8 та, «Т-28» тракторидан бир нечтаси қолди. Буларни ҳам яқин кунларда ремонтдан чиқарамиз. Сеялкаларни ҳам шайлаб қўйдик. Ер текислаш машиналарининг ҳаммаси ремонтдан чиқди.

Колхоз партия ташкилотининг секретари Абдумалик Қурбоновга бош инженер ана шулар ҳақида бирма-бир ҳисоб берар экан, колхоз устахонасида жонбозлик кўрсатиб ишлаётган коммунист ва комсомол-ёшларни фахр билан тилга олди ва токарь Рихсибой Ортиқов, слесарь Эгамберди Мирзаалиев, темирчи Пўлат Тошев каби азаматларни мақтади. Булар сеялкаларни жуда созлаб ремонт қилишди. Шу пайт устахонага колхоз раиси Унарбой Ҳожиев келиб қолди. У қўллари мой, комбинезон кийиб олган йигитга яқинлашар экан, у билан қуюқ сўрашди.

Бунинг боиси бор, албатта. Ўктам Мираваэов ўтган йили ҳосилдорликни оширишда колхозда биринчи ўринни олди эди. У механизацияга таянib 35 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектаридан пландаги 28 центнер ўрнига 32,8 центнердан ҳосил етиштирди. Пахтанинг таннархини анча арзонлаштирди.

Колхоз правленнеси ва партия ташкилоти ремонтни тезроқ тугаллаш мақсадида ишни график асосида ташкил қилган. Устахонада иш икки сменада ташкил этилган. Ремонтчилар учун ҳамма қулайликлар яратиб берилган. Қишлоқ хўжалик машиналари ремонти учун зарур қисмлар келтирилган. Шунга кўра, ремонт ишлари тез ва соз ўтказилмоқда.

Колхозчилар, мутахассислар, бригада ва звено бошлиқлари ўз билим ва малакаларини оширмоқдалар. Колхоз правленнеси ва партия ташкилоти ташаббуси билан очилган агротехника курси мунтазам ишлаб турибди. Бу курсга колхознинг бош агрономи Файзи Муҳсинов раҳбарлик қилмоқда. Қишлоқ хўжалик ходимлари иқтисодий меҳнатдан сўнг бу курс машғулотларига қатнашиб, лекциялар тингламоқдалар. Агротехника янгиликларини ўрганмоқдалар.

«Правда» колхози аъзоларининг ҳозирги эътибори Октябрнинг 50 йиллигини улкан зафарлар билан нишонлаш учун курашни кун сайин кучайтиришга қаратилган.

Абдулла РАҲИМОВ.
Оржоникидзе район.

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

УСТОЗ БЎЛГАН ШОГИРД

Пўлатой ўрта мактабни битириб, фирмага ишга келганида игнани тўғри ушлашни ҳам билмас эди. Қизни Валя Фролова шогирдликка олди. Тиришқоқ қиз тез кунда чеварлик ҳунарини эгаллади. Ҳозир у моҳир тикувчи. Пўлатой 20 га яқин операцияни ўзлаштириб олган.

1961 йилдан буён у костюмшим цехида бригада бошлиғи. Пўлатой бошчилик қилаётган бригада аъзолари коммунистик меҳнат зарбдорларидир. Бригада коллективи браксиз ишлаб, маҳсулот сифати, тежамкорлик учун кураш олиб бормоқда. Улар Совет ҳокимиятининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Меҳнатсевар аёл жамоат ишларида ҳам актив иштирок этмоқда.

Меҳнат кишини улуғлайди, дейишганча бор экан. Пўлатой Абдураҳмонова ўзининг меҳнатсеварлиги, кишиларга ғамхўрлиги ва меҳрибонлиги туфайли коллективда катта обрў-эътибор қозонди.

Ана шунинг учун ҳам Тошкентдаги «Юлдуз» тикувчилик фирмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг умумий йиғилишида тикувчи-моористка Пўлатой Абдураҳмоновага юксак ишонч билдириб, уни 21-Чапаев сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишди.

С. СУЛТОНОВ.

Шоймардон Қудратов изидан

ЯНГИОБОДГА ОТЛАНДИК

Сурхондарёлик машҳур механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шоймардон Қудратовнинг ватанпарварлик ташаббуси хўжалигимиз механизаторларининг қалбидан чуқур жой олди. Биз очиқ хатни ўқигач, юбилей йилида «Янгиобод» массивидан 150 гектар партов ерларни ўзлаштириб қишлоқ хўжалик оборотига киритиш мажбуриятини олдик.

Шу кунларда Ленин орденли механизатор Икром Жумаев, Қодир Рустамов, Маманазар Рўзиев, Шариф Ўрунов сингари ўнлаб ёшлар Янгиобод массивида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар чўлнинг оғир шароитига бардош бериб, кунлик графикни 1,5-2 ҳиссадан бажаришаётир.

Чўлқувар азаматларимизнинг сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда хўжалигимиздаги 90 га яқин механизатор, 70 дан ортиқ шофер ва бошқа касб эгалари бизга ҳар томонлама мадад бериб туришибди. Шунинг учун ҳам биз 100 гектардан ортиқ майдонни ўзлаштириб, чигит экишга шайлаб қўйдик.

Колхозимиз механизаторлари Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга бўлажак сайловлар шарафига бошланган мусобақани қизиғиб, мавжуд техникадан унумли фойдаланмоқдалар. Улар янги ерларда пахтадан мўл ҳосил етиштиришга интилмоқдалар. Биз қўриқ ерларни ўзлаштиришга сарфланган ҳамма харажатларни шу йилнинг ўзидаёқ қоплаш учун бутун куч ва имкониятларимизни ишга солмоқдамиз.

Т. ЖУМАЕВ,
Бухоро область, Қорақўл районидаги «Октябрь» колхозининг механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Шингил хабарлар

✦ БУХОРОДАГИ 10-профессионал техника билим юртини 30 киши битириб чиқиб, область колхоз ва совхозларида ишлаш учун жўнаб кетишди.

Х. Каримов.

✦ СУРХОНДАРЁ. Денов шаҳри марказида озиқ-овқат ва сут маҳсулотлари сотадиган 2 та магазин ва автопарк қуриб фойдаланишга топширилди.

Р. Бойназаров

✦ РЕСПУБЛИКАМИЗ пойтахтини қайта қуришда иштирок этаётган латвиялик биноқорлар яқинда 280 ўринли болалар боғчаси биносини қуриб битказдилар.

У. Муҳаммедов.

«Ғаллаорол» совхозида сой тўсилиб, кўл барпо этилди.

Ҳозир ана шу ҳавзада 2 минг зоғора ва кўзойнакли карел балиқлари урчитилмоқда.

А. Сарибоев.
Самарқанд области.

✦ СИРДАРЁ области. «Андижон» совхозида 350 ўринли мактаб бинosи, 350 ўринли ётоқхона ва 18 квартирали 2 бино қуриб фойдаланишга топширилди.

Т. Турдиқулов.

✦ ЛЕНИНСК районида Бахт уйи очилди.

У. Алиева,
А. Жалолиддинов.
Андижон области.

КЎЧАТ ЭК, БОҒ ҚИЛ!

«НИҲОЛЛАРНИ АВАЙЛАНГ»

86 ёшли ажойиб сиймо — Ризамат ота Мусамуҳамедовнинг «Кўчат эк, боғ қил!» сарлавҳали мақоласини такрор-такрор ўқидик. Мазмунини чақиб кўрдик. Мақоланинг ҳар бир сатри биз боғбонларни руҳлантириб юборди. Юбилей йилини муносиб кутиб олиш учун боғ-роғларни кенгайтирамиз, ўтқазилган кўчатларни ардоқлаб ўстирамиз.

Бундан бир неча йил илгари районимизда ўриндан бошқа мевани ахён-ахёнда бозорда кўрардик, холос. У ҳам бўлса Қорақалпоғистон Автоном республикасидан ташқаридаги районлардан келтириларди.

Эндиликда боғ-роғлар яратиш совхозимиз дирекцияси ва партия ташкилотининг диққат-эътиборида турибди. Биз боғдорчиликни ривожлантирамиз дер экамиз, улар ишчи ва техника кучларини бизлардан сира аямайдилар.

Давлат мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ризамат ота Мусамуҳамедов мақоласининг ҳар бир сатри совхозимиз аҳлининг қалбидан кенг ўрин олди. Унинг халқимизда «эл пуфласа бўрон кўтарилади» деган нақл бор. Келинглар кўплашиб она диёримизни боғ республикасига айлантирайлик. Ҳар ким бир жуфтдан кўчат ўтказса, неча минг гектарлаб боғ бўлади» деб айтган сўзлари жуда ўринли ва ҳақ гап. Бунга амал қилишимиз керак. Ҳар бир киши ким бўлишидан қатъи назар бир тупдан мевали кўчат ўтқазса ҳам катта-катта боғлар бунёдга келтириш мумкин. Мева кўчатлари қанча кўп бўлса қишлоғимизнинг ҳуснига ҳуси қўшила беради.

Совхозимизнинг 34 гектар боғи бор. Унинг 20 гектарига 1966 йилда кўчат экилди. Дастлаб қилинган боғлардан бир неча минг сўмлаб даромад олиняпти.

Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида авж олдирилган. Биз боғбонлар ҳам юбилейни муносиб совғалар билан кутиб олиш учун 30 гектар майдонга ҳар хил мева дарахти, узум кўчатлари ўтқазишга қарор қилганмиз. Совхозимиздаги кўчалар, ариқлар, йўл бўйларига, ҳовли атрофларига ҳам мева кўчатлари ўтқазамиз.

М. ИУЛДОШЕВ,
Амударё районидаги Максим Горький номли совхозининг боғбони.

НИҲОЛ БИЛАН КЎРКАМДИР БАҲОР

Кўклам меҳнат билан, ниҳол билан кўркам, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, бунинг жуда катта маъноси бор. Меҳнат қилиб кўчат эккан — муродига етган, деб бежиз айтилмаган. Ризамат ота Мусамуҳамедов ташаббусини қизғин қўллаб-қувватлаётган Калинин районидаги Охунбобоев номли колхоз боғбонлари ана шунга амал қилиб, кўчат ўтқазишни уюшқоқлик билан бошлаб юборишдилар.

— Шаҳар аҳолисини турли-туман мева-чевалар билан муттасил таъминлаб турамиз, — дейди боғдорчилик бригадасининг бошлиғи, машҳур соҳибкор Рўзи Ашуров. — Бунинг учун мевали боғларни тез ва кенгайтирамиз. Шу йилнинг ўзида 20 гектар майдонга мевали дарахт кўчатлари ўтқазамиз. Уларни алоҳида парвариш қилиб, яқин йиллар ичида ҳосилга киришини таъминлаймиз.

Рўзи Ашуров ҳақ гапни айтди. У бригада аъзоларини кўчат ўтқазишга тўла сафарбар этиб, 20 гектарли ерда тезроқ боғ барпо этиш иштиёқи билан тўлиб-тошгандир.

Бу колхозда етиштирилаётган олма, шафтоли, гилос, олхўри ва бошқа ноз-неъматлардан бахраманд бўлмаган киши камдан-кам топилса керак. Ҳозир ҳам шаҳардаги иккита дўконда олма билан савдо қилинмоқда. Бу йил ҳосил ғарқ пишган кезларда Охунбобоев номли колхоздан бешта дўкон мева-чева билан савдо қилади.

Аҳолига мўл-кўл мева-чева етказиб бериш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган колхоз соҳибкорлари боғларни яқин сайин кенгайтириб бораверадилар.

Ҳ. ИКРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

АБДУЛЛА ОРТИҚОВ

Бевақт ўлим Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди, колхоз ишлаб чиқаришининг ташкилотчилари ва раҳбарларидан бири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг раиси Ўртоқ Абдулла Ортиқовни орамиздан олиб кетди.

А. Ортиқов 1911 йилда деҳқон оиласида туғилди. Колхоз ташкил этилган дастлабки кунлардан бошлаб у қишлоқ хўжалик артелининг аъзоси ва колхоз ишлаб чиқариши илғорларидан бири бўлди.

У ажойиб ташкилотчилик маҳоратини кўрсатади ва 1932 йилда бригадирлик вазифасига кўтарилади, 1938 йилдан то ўз ҳаётининг охирги дамларигача «Ленинизм» колхозининг муттасил раҳбари бўлиб келди.

Бу қишлоқ хўжалик артели Абдулла Ортиқовнинг чарчамас фаолияти, жуда катта ташкилотчилик таланти туфайли Тошкент областининг илғор хўжаликларидан бирига айланди.

Абдулла Ортиқов меҳнатсеварлиги, қишлоқ меҳнаткашларининг эҳтиёжларига доимо эътибор берганлиги ва уларга сезгирлик билан муносабатда бўлганлиги, ўзининг камтаринлиги билан чуқур иззат-ҳурматга ва умумхалқ муҳаббатига сазовор бўлди.

Абдулла Ортиқов катта обрў қозониб, бир неча марта Тошкент область партия комитетининг аъзолигига, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлигига сайланди, КПСС XXIII съездига делегат бўлди.

Колхоз ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва юксалтириш соҳасида Ватан олдида кўрсатган жуда катта хизматлари учун унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилган, у иккита Ленин ордени, иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени, медаллар ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган эди.

Ажойиб ўртоқ ва содиқ дўстимиз Абдулла Ортиқовнинг ёркин хотираси қалбимизда абадий сақланади:

Ш. Рашидов, Е. Насриддинова, Р. Қурбонов, И. Анисимкин, В. Ломоносов, Н. Ляшченко, Н. Матчонов, М. Мусахонов, Р. Нишонов, М. Абдураззоқов, С. Расулов, М. Турсунов, А. Абдалин, С. Азимов, Г. Габриельянц, М. Мирзаахмедов, Н. Марцинюк, С. Знёдуллаев, А. Хўжаев, Р. Сахибоев, Р. Абдуллаева, М. Зоидов, Н. Худойбердиев, Э. Шайхов, П. Костриков, А. Пономарёв, А. Дебалюк, Х. Мусахонова, К. Бекаев, Г. Светленко, Қ. Аҳмедов, А. Бродова, З. Хўжаев, А. Алимов, Н. Аваэов, М. Исматов, Ф. Мадалиев, А. Матқобулов, Т. Нормуҳамедов, Ким Пен Хва, Хван Иан Гим, М. Рўзматов.

А. ОРТИҚОВНИНГ ДАФН ЭТИЛИШИ

Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози чуқур мотам ичида. Ўзбекистон ва Жанубий Қозоғистон қўшни районлари қишлоқ меҳнаткашларининг минг-минглаб вакиллари колхоз ишлаб чиқаришининг талантли ташкилотчиларидан бири, шу колхознинг раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республика Олий Советининг депутати Абдулла Ортиқов билан видолашмоқ учун шу ерга келдилар.

Марҳумнинг колхоз клубига қўйилган тобути ёнида сон-саноқсиз гулчамбарлар. Таниқли пахтакорлар мотам митингида Абдулла Ортиқовнинг улкан хизматлари ҳақида гапирдилар. Митингда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Мотам намойиши Ноя қишлоғидан Тошкентга қараб йўл олди. А. Ортиқов билан бирга ишлаган ўртоқлари, партия органларининг вакиллари Чиғатой қабристонида марҳум қабри олдида нутқ сўзладилар. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қурбонов видолашув нутқи сўзлади.

...Митинг тамом бўлди. Марҳумнинг жасади солинган тобут қабрга туширилди. Мотам марши садолари эшитилади.

(ЎзТАГ).

Ишлаб чиқаришни юксалтириш, колхоз экономикасини мустаҳкамлаш, бунинг учун эса пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириш ҳақида муттасил ғамхўрлик қилиш Абдулла Ортиқовнинг энг яхши хислати эди. Бу суратда Абдулла Ортиқов (ўнгда) колхоз даласини айланиб, ғўзанинг аҳволи, унинг ривожи қандайлиги билан қизиқаётганлиги тасвирланган.

А. Тўраев фотоси.

«БАҲОР» КЕЛДИ

Ҳиндистон ва Покистон бўйлаб 70 кунлик гастролини муваффақиятли ўтказган жаҳонгашта «Баҳор» ансамбли ўтган куни она-юртга қайтиб келди. Севимли ансамбль ўзининг катта программадаги рангбаранг концертлари билан Ҳиндистон, Покистон ва Сингапур халқининг юксак олқишига сазовор бўлиб қайтди. Чет эл журналистлари ўзбек санъаткорларининг бу мамлакатларда эришган муваффақиятларига мунтазам равишда эътибор қилиб турдилар.

— Ҳиндистон ва Покистон сафаримиз жуда юксак савияда ўтди, — дейди Совет Иттифоқи халқ артисти Давлат мукофотининг лауреати Мукаррамахоним Турғунбоева. — Биз катта олқишларга сазовор бўлдик. Санъатимизга юқори баҳо беришди. Халқларимиз урф-одатлари ва санъатларидаги ўхшашлик, муштараклик муваффақиятларимизни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Мезбонлар айниқса «Пахта», «Пилла», «Мунажат» ва «Тановар» каби ўзбек миллий рақсларимизга мафтун бўлишиб, ижрочиларимизга тасаннолар айтишди. Баъзида концертларимиз дўстлик, тинчлик кечаларига айланиб кетди. Концертларимиз: Яшасин дунёда тинчлик, Яшасин дўстлик, ҳинд ва совет халқига шон-шарафлар бўлсин! деган хитоблар билан якунланди.

— Бу галги гастролдан жуда хурсанд бўлиб қайтдик деб ҳикоя қилади ансамблнинг моҳир созандаси, республикада хизмат кўрсатган артист Қаҳрамон Дадаев. Санъатимизга маҳлиё бўлган барча томошабинлар, юртимизга яна келинглар, деб хайрлашдилар. Биз жуда катта таассуротлар билан қайтдик. Дўстларимизнинг мафтункор санъатидан ўз навбатида кўп нарсаларни ўргандик.

Севимли «Баҳор»нинг май ойидаги ижодий сафари дўст Афғонистон мамлакати бўйлаб давом этади.

Д. ҲАСАНОВ.

КИНО—ОММАГА

Кино энг қулай, энг оммабоп санъат турларидан бири. У Ватанга муҳаббат туйғусини, олижаноб фазилатларни тарбиялайди, инсон гўзаллигини тараннум этади. Шу билан бирга кино томошабинга маданий ҳордиқ, завқ-шавқ бағишлайди.

Республикада кино мухлисларининг сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда. 1967 йилнинг 1 январига қадар республикамизда киноустановкалар сони 2.651 тага етди. Шундан 332 таси шаҳар ва 2.319 таси қишлоқ жойларидаги аҳолига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Давлат кинематография комитети республикамизда қурилиш ишларини авж олдирмай туриб, шаҳар ва қишлоқни ёппасига кинолаштириб бўлмаслигини назарда тутиб, қурилиш ишларини биринчи даражали вазифа деб билмоқда.

Ҳозирга қадар барча район марказларидаги кинотеатрлар кенг экранга кўчирилди ва янги қурилаётган кинотеатрлар эса фақат кенг экранли қилиб қурилмоқда. Тошкент, Андижон, Фарғона, Бухоро, Самарқанд ва Нукусда мунтазам чиқиб турган ҳафталик кино газеталарининг иши яхшиланиб бормоқда. Ўтган йилдан бошлаб чиқарилаётган реклама характеридаги ойлик киножурнал кино мухлислари орасида кенг тарқалмоқда. Журнал саҳифаларида «Ўзбекфильм», Тошкент ҳужжатли ва хроникал студияларининг асарларига тақризлар, айрим кино санъати усталарининг ижодий йўллари ва келажак режалари, шунингдек қардош республикалар киностудияларида олиб борилаётган ижодий ишлар ҳақида қизиқарли ҳикоя қилинмоқда.

Кинофильмларни рус тилидан ўзбек ва қорақалпоқ тилларига таржима қилиш муҳим аҳамият касб этади. Дубляж қилинаётган фильмлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўтган йили 66 та фильм дубляж қилинган бўлса, бу йил 75 та фильмни дубляж қилиш кўзда тутилган.

Болаларга кино кўрсатиш, коммунизм қурувчи ёш авлодни хушнуд қилиш шарафли вазифа ҳисобланади. Республикамиз шаҳар ва районларида мунтазам иш олиб бораётган болалар кинодирекцияларининг сони тўхтовсиз ортиб бормоқда. Бу дирекцияларда хизмат ўтаётган ўқувчилар кинотеатрларда ўтказилаётган махсус болалар сеансларига ўзлари хизмат қилмоқдалар. Улар ўз мактабдошларининг коллектив бўлиб кино кўришларини ташкил қиладилар. улар учун қизиқарли темаларда суҳбатлар уюштирадилар. Хуллас, билет тарқатишдан тортиб кинофильмлар тугагунча бўлган ҳамма хизматни болаларнинг ўзлари бажарадилар. Бу соҳада Андижон, Самарқанд, Чирчиқ, Оҳангарон, Каттақўрғон шаҳар пионер ва ўқувчиларининг ташаббуси мактовга сазовордир.

Аҳолига кино хизмати кўрсатиш деганда, Тошкент шаҳри кинолаштириш ходимларининг ажойиб меҳнатларини қайд қилмай бўлмайди.

Пойтахтимизда табиий офат — ер қимирлаш натижасида кўпгина кинотеатрлар шикастланди, марказдаги учта кинотеатр бутунлай бузилиб кетди. Ўзбекистон ССР кинематография Давлат комитетининг ходимлари Тошкент шаҳар кинолаштириш бошқармасининг хизматчилари билан биргаликда фидокорона меҳнатга киришдилар. Ер қимирлашдан зарар кўрган Санъат саройи, «Комсомол 30 йиллиги», Собир Раҳимов номли, «Ватан», «Октябрь» каби кинотеатрлар тез фурсатда ремонтдан чиқарилиб ишга туширилди. Собир Раҳимов номли ёғаи кинотеатр эса қайта тикланди.

Шаҳар меҳнаткашларига хизмат қилаётган кўчма кинотеатрлар сони 30 га етказилди, шаҳар бўйлаб тахта деворли кинотеатрлар қуриш ишлари авж олдирилиб, бир ой мобайнида 32 та мавсумий кинотеатр барпо этилди.

Тошкент ва Бухоро областларининг кинолаштириш бошқармалари (бошлиқлари Б. Каипов ва Т. Жумаев ўртоқлар) уларга ёрдам бўлдилар.

Кино тармоқларида кўтаринки руҳ билан меҳнат қилаётган илғор кино ходимларини тақдирлаш учун Ўзбекистон кинематография Давлат комитетида «Ҳурмат китоби» ташкил этилди. Илғорларга кинематография Давлат комитети билан маданият ходимлари республика касаба союзи биргаликда таъсис этган «Фахрий ёрлиқ»лар топширилмоқда. Меҳнатда ўрнак кўрсатган илғор район дирекцияларининг ходимлари ва юқори кўрсаткичга эришган киномеханиклар қимматбаҳо буюмлар билан мукофотландилар.

Кун сайин ўсиб бораётган кино тармоқларини малакали киномеханиклар билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ишни жонлантириш мақсадида Фарғона, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё областларида махсус техника таълими билим юртлари қошида киномеханик кадрлар тайёрлайдиган курслар ташкил этилди.

Барча шаҳар кинотеатрларида ҳафтада икки-уч марта узайтирилган сеанс бўйича ҳужжатли ва илмий оммабоп фильмлар намойиш қилинмоқда. Ҳужжатли ва илмий оммабоп фильмларнинг хосияти шундаки, бунда томошабинлар иттифоқ миқёсида рўй берган янгиликларни кўрадилар. Фан ва техника ютуқлари билан яқиндан танишадилар, Кишининг оёғи етиши мушкул бўлган ердаги аҳволдан воқиф бўладилар.

Ҳозир биз улуғ айём — Совет ҳокимияти ташкил топган кунинг 50 йиллиги арафасида турибмиз. Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги яқинлашиб келмоқда. Бу улуғ саналарга бағишлаб чиқарилаётган фильмлар рекламасини яхшилаш, уларни аҳоли орасига кенг ёйиш, кино журналимизнинг махсус сонларини бағишлаш, бу даврда «Ўзбекфильм» студияси эришган ютуқлар ва ўзбек кино санъатининг равнақини ҳикоя қилиш юзасидан бир қанча тадбирлар белгиланди.

Совет давлатининг 50 йиллик тўйига қадар Андижон, Фарғона Термиз, Қарши, Самарқандда 850 ўринга мўлжалланган кенг формatли кинотеатрлар, район марказларида 300-400 кишига мўлжалланган янги типдаги доимий кинотеатрлар қуриб битказилади.

Кино ходимлари ўртасида дўстлик, ҳамкорлик, бирodарлик алоқалари йил сайин мустаҳкамланмоқда. 1966 йилда Ўзбекистонда Ўрта Осиё ва Қозоғистон кинофильмлари фестивали, белорус фильмлари кўриги, қардош Болгария кинофильмлари фестивали, туркман фильмлари кўриги ўтказилди. Бунда қардош мамлакат ва республикалар киностудияларида ишлаб чиқарилган кинофильмлар намойиш қилиниб, дўстларимиз эришган қатор ютуқлар қайд қилинди ва айрим нуқсонлар кўрсатиб ўтилди.

Кинолаштириш ходимлари ўртасида маданий алоқа ўрнатиш бу йил ҳам давом этади. Ўзбекистон кинолаштириш ходимлари тажриба олмашиш мақсадида Болтиқ бўйи республикалари, Закавказ ўлкаларига меҳмон бўлиб боришни кўзда тутадилар. Айрим қардош республикалар кинолаштириш ходимлари Ўзбекистоннинг азиз меҳмони бўладилар.

Ишимизда камчиликлар ҳам мавжуд. Бу ҳол аввало кинотеатрларимиздаги ўринлар сони аҳоли жон бошига нисбатан камлигида кўзга ташланади. Кинофильмлар кўрсатиш ҳам умумиттифоқ кўрсаткичидан кам. Умумиттифоқ ўрта кўрсаткичига эришмоқ учун ҳали талай ишлар қилишимиз керак. Энг аввало аҳоли зич жойлашган шаҳар ва районларда кинотеатрларни кўпайтиришимиз шарт. Бир қатор колхоз ва совхозларда эса ўриндиқлар етишмайди. баъзиларида эса мутлақо йўқ. Бу ишларни нормал йўлга қўйишга кинолаштириш ходимлари маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг ёрдамига муҳтождирлар.

Баъзи область бошқармаларимизнинг бошлиқлари ва кинопрокатлари давлат планини бажаришдек муҳим ва масъулиятли вазифага тегишлича эътибор бермадилар. Бекор туриб қолган киноустановкалар ишини ўз вақтида текшириб, тегишли чора кўрмадилар. Жумладан Сирдарё, Самарқанд, Сурхондарё областларидаги қурилиш ишларини яхши йўлга қўйилган деб бўлмайди. Кўпгина аҳоли зич жойлашган ерларда доимий кино кўрсатиш учун керакли чоралар кўрилмаётир.

Шуни унутмаслик керакки, аҳолини кино санъатига жалб қилишда уни ҳаяжонлантирадиган тўлақонли, ажойиб фильмларнинг роли бениҳоя катта. Ижодий ходимларимиз замондошларимизнинг ўсиб бораётган талаблари ва талабларига жавоб берадиган фильмлар яратишлари лозим. Кишиларимиз ўз даврларининг улуғвор ишлари билан яшаяптилар, қандай ишлар қилиниши кераклиги ҳақида қизғин мусоҳабалар юритмоқдалар, янгиликлар кашф этяптилар, порлоқ келажакни барпо этиб, жанговар меҳнат фронтида дадил меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг мазмунли ҳаёти, эришаётган муваффақиятлари кинематографияда ҳам ўз аксини топмоғи айни муддаодир.

М. АЛИЕВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети кинематография Давлат Комитети кинолаштириш ва кинопрокат бошқармасининг бошлиғи.



«Маданий революция» халқ хўжалигига зиён етказмоқда

Капитал мамлакатларида синфий жанглар

Сайгон маъмурларига норозилик хати

Янги Гутадаги В. И. Ленин номли металлургия комбинати Халқ Польшасида энг йирик корхоналардан биридир. У Совет Иттифоқининг қардошларча ёрдами билан қурилган. Бу ерда 25 минг киши ишлайди. ЦАФ — ТАСС фотоси.

Лондон. Бу суратда сиз инглиз артисткаси Сью Ллойдни иккита соҳчи орасида нўрнб турибсиз. Хўш, бундай ҳурмат-эҳтиромнинг боиси нимада? Ҳамма гап шундаки, қабулга кетаётган артистка жами бир минг фунд стерлинг миқдоридаги қоғоз пулдан тикилган кўйлак кийиб олган... Ҳар бир пенсия ҳисоблаши лозим бўлган кишилар меҳнатини ўйлайдиган бўлсак бу ҳақда нима ҳам дейиш мумкин?

ЮПИ — ТАСС телефотоси.

ДУНЁ ҚИЁФАСИ

Камбоджа ҳукуматининг норозилиги

ПНОМПЕНЬ. (ТАСС). Камбоджа ташқи ишлар министрлиги Сайгон маъмурларига нота юборди. Нотада Америка Жанубий Вьетнам қўшинларининг Компонг-Чам вилоятидаги чегара қишлоғи — Чраккранни оккупация қилиб олганликларига қарши ва Камбоджа территория бутунлигини сира йўл қўйиб бўлмайдиган бузиш ҳолларига қарши кескин норозилик билдирилади.

Камбоджа ҳукумати мана шу жиноятқорона хатти-ҳаракатларни, шу жумладан, Кхмер қишлоғи Чраккранни қуролли оккупация қилишни дарҳол тўхтатишни талаб этади. Америка — Жанубий Вьетнам қўшинлари Кхмер территориясини бундай оккупация ва агрессиями давом эттирганларида содир бўладиган ниҳоятда жиддий оқибатлари учун АҚШ ҳукумати билан унинг сайгонлик малайлари жавобгар бўладилар, деб таъкидланади нотада.

Камбоджа ташқи ишлар министрлиги айни шундай мазмундаги нотани АҚШ ҳукуматига ҳам юборди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

⊙ ЛОНДОН. Жанубий Вьетнам ватанпарварлари 6 мартда Сайгоннинг ғарби-шимолида, Камбоджа чегараси яқинида Американинг 25-пиёда дивизияси позицияларини миномётлардан ўққа тутганлар. Америка солдатларидан 20 киши жароҳатланган.

Жанубий Вьетнамда 5 март куни Американинг 6 та вертолёти уриб туширилган.

⊙ ТУНИС. Маданий ҳамкорлик тўғрисидаги Совет—Тунис битимига мувофиқ СССР Министрлар Совети ҳузуридаги радиоэшитириш ва телевидение комитети билан Тунис Республикаси радиоэшитириш ва телевидение давлат ташкилоти ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзоланди.

⊙ ЖАКАРТА. Муваққат халқ маслаҳат конгрессининг президент Сукарно тақдирини ҳал қилиши лозим бўлган фавқулодда сессияси кескин вазиятда ўтади. Сукарнонинг тарафдорлари билан душманлари ўртасида тўқнашувлар бўлаётгани тўғрисидаги хабарлар, Шарқий ва Марказий Яванинг нўл районларидан келиб турибди. Жакартанинг ўзида эса, ҳарбий гарнизон қўшинлари жанговар шай ҳолга келтирилган.

Сукарнонинг ўта ўнг унсурлар орасидаги душманлари, башарти сессия қатнашчилари Сукарнони президентлик лавозимидан олиб ташлаб уни судга бермасалар қаттиқ чоралар кўрамиз, деб пўписа қилмоқдалар.

Сукарно тарафдорлари ҳам ўз кучларини сафарбар қилмоқдалар.

Шундай вазиятда генерал Сухарто конгресс аъзоларининг ярмидан кўпроғини ташкил қилувчи парламент аъзоларини мамлакатдаги ҳозирги тангликни кучайтирмасликка даъват қилди. (ТАСС).

ГДР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

БЕРЛИН. Ҳарбий жиноятлар учун ва инсониятга қарши жиноятлар учун жавобгар бўлган шахсларни жазолаш муддати ўтиб кетди деган баҳона билан уларни жазодан четда қолдиришга йўл қўймаслик тўғрисида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конвенциясининг лойиҳаси тайёрланаётганлиги муносабати билан Германия Демократик Республикасининг ташқи ишлар министрлиги БМТ Бош секретарига баёнот йўллади. «Ҳарбий жиноятлар, тинчликка ва инсониятга қарши жиноятлар қачон қилинган бўлишидан қатъий назар, дейилади баёнотда, шу жиноятлар учун жавобгар бўлган шахсларни қидириб топиш ва жазолаш — ана шу жиноятларнинг қурбонлари олдидаги муқаддас бурчгина бўлиб қолмай шу билан бирга инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва озодликларини ҳимоя қилишнинг, барча халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашнинг зарур шарти ҳамдир».

Германия Демократик Республикасининг ҳукумати нацист ва ҳарбий жиноятчиларни жазолаш ишида давлатларнинг ҳар томонлама ҳамкорлик қилишига катта эътибор бераётганлигини таъкидлаб, шу муносабат билан ГДР ташқи ишлар министрлиги бундай деб ёзади: Нацист ва ҳарбий жиноятчиларни жазолаш муддати 1970 йилда тамом бўлади, деган қонунни Ғарбий Германия бундестаги қабул қилганлиги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти иқтисодий ва социал кенгашининг резолюциясига очиқдан-очиқ зиддир.

(ТАСС).

Сайгонда ёнғин

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Сайгон шаҳрининг чеккасида, деб хабар беради Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири, 7 мартда чиққан ёнғин кулбалар районидаги мингдан ошиқ уйни йўқ қилиб юборди. Қурбонлар ҳам бор. 10 мингга яқин киши бошпанасиз қолди.

ОЗОДЛИК АРМИЯСИ АМЕРИКА ПОЗИЦИЯЛАРИНИ ЎҚҚА ТУТМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг Сайгондан хабар беришича, 7 мартда Озодлик армиясининг жангчилари демилитаризация қилинган зона яқинидаги Америка йирик калибрли тўплари позициясини ўққа тутганлар. Американинг 5 та солдати ўлдирилган ва ўн бир солдати ярадор қилинган.

Бирлашган Араб Республикаси. Нил дарёсида баланд Асвон тўғони қурилишида ишлаётган бинокорлар қурилиш бошланганига 7 йил тўлган кунни яқиндагина нишонлаган эдилар. Ҳозир гигант иншоот дарё сатҳидан 60 метр баландликка кўтарилди ва Нил дарёси гидроэлектростанциясининг сув ўтказадиган йўли орқали оқмоқда. Суратда: Асвон тўғони қурувчиларидан бири Муҳаммад Митуали.

А. Стужин фотоси.

(ТАСС фотохроникаси).

ХИТОЙДАГИ ВОҚЕАЛАР

500 миллион аҳолиси бўлган Хитой қишлоқларида вужудга келаётган жиддий аҳволдан ташвишланиш аввалгидек расмий Хитой матбуотининг энг муҳим темаларидан бири бўлиб қолмоқда. Шу кунларда газеталар турли «директивалар», «кўрсатмалар», «шошилинч мурожаатлар», «шошилинч билдиришлар» билан тўлиб-тошган. Буларнинг ҳаммаси Хитой деҳқонларини «шошилинч равишда» ва «дарҳол» баҳорги экишга киришишга, баҳорги дала ишларини армиянинг, шунингдек турли давлат органларининг фаолият марказига қўйишга чақирмоқда.

«Женьминь жибао» газетаси эълон қилган «шошилинч мурожаат»да «партияга қарши унсурлар» қўлидан «партия ва молия ҳокимиятини» тортиб олишга қандай аҳамият берилса, баҳорги экишни ўтказишга ҳам шундай аҳамият берилмоқда. Газета «партияга қарши унсурлар» деганда «маданий революция» деб аталмиш ҳаракатга қаршилик кўрсатаётганларни — Мао Цзэ-дун мухолифларини назарда тутади. Мурожаат «урушга тайёрланишга, табиий офатларга қарши курашга тайёрланишга» чақиради.

Айни вақтда газеталар партия ташкилотларин и н г қишлоқ хўжалигида вужудга келган жиддий қийинчиликларни бартараф қилиш учун курашдаги роли тўғрисида ҳеч нима демаяптилар. Лекин армия баҳорги экишни ўтказишда биринчи ўринга қўйилган. Матбуотнинг ёзишича қараганда, у, «халқ коммуналари аъзолари орасида ташкилий ва сиёсий роль» ўйнамоги керак.

Хитой Компартияси Марказий Комитетининг органи — «Хунци» журнали охирги, 4-сонида бошланаётган баҳорги экишга бағишланган мақоласида: «Бизга ҳар бир кун ва ҳар бир соат ғаниматдир», деб ёзади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришдаги муваффақиятлар ёки муваффақиятсизлик «кадрларга тўғри муносабатда бўлишга» боғлиқ асосий масаладир, деб таъкидлайди «Хунци». Журнал деҳқонларни «Мао Цзэ-дун ғоялари билан ўзларини жуда ҳам жиддий қуроллантиришга, ғаразгўйликка қатъий барҳам бериб, бе ғаразликни барқарор қилишга» чақиради. Журнал «маданий революция» ғаниматларини «ўзингизни тинч ва мўмин тутинг, акс ҳолда дарҳол жавобгарликка тортиласиз», деб огоҳлантиради.

Болгария телеграф агентлиги мухбирининг Пекиндан хабар беришича, турли органларнинг кўрсатмалари ва армиянинг аралашувига қарамай, «маданий революция» туфайли Хитой халқ хўжалигида вужудга келган қийинчиликлар кўпайиб боради ва уларга барҳам бериш осон бўлмайди.

Японияннинг «Сункэй симбун» ва «Токио симбун» газеталари мухбирларининг хабар беришларича, Пекин мэри вазифасини ижро этувчи У Дэ сўнгги пайтларда турли йиғилишларда бот-бот кўринадиган бўлиб қолган. Маълумки, У Дэ «раис Маога қарши чиққанлиги учун» ишдан олиб ташланган Пин Чжен ўрнини эгаллаган бўлиб, кейин ўзи ҳам ғазабга йўлиққан эди. «Нихон кейдзай» газетасининг шу муносабат билан ёзишича, эски раҳбарларнинг ўз ўринларига қайтиб келишлари ҳукмдор Пекин труппаси жиддий қаршиликка дуч келгач ўзининг баъзи муҳолифлари билан муроса қилиш йўлидан бораётганлигидан далолат беради. (ТАСС).

ОҚ ИТ БИЛАН ҚОРА ИТ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Бу ерда яна бир машмашали воқеа ошкор бўлиб қолди. Бу галги машмаша Марказий разведка бошқармасига эмас, балки Пентагонга даҳлдордир. Гап шундаки, Пентагон бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашишдан иборат ўз планларини бажаришга Америка олимларини ёллашга ургинди кўрган.

Висконси университетининг социология муаллими Пьер Ван Ден Бергенинг айтишича, Пентагон бу ишни хусусий тадқиқотчилик ташкилотлари воситачилигида қилишга уринмоқда.

Журналла р д а н бирида яқинда босилган мақолада Ван Ден Берге қуйидагиларни ёзди: Шундай ташкилотлардан бири Африкадаги бир давлатда миллий озодлик ҳаракатига қарши кураш муаммоларини тадқиқ қилишда менинг хизматимдан маслаҳатчи сифатида фойдаланмоқчи бўлди. Тадқиқотдан кузатилган мақсад шу давлатнинг ички ишларига планли тарзда аралашиш учун зарур бўлган маълумотларни Америка ҳарбийлари қўлига ишлаб беришдан иборат эди.

Ван Ден Бергенинг ёзишича, башарти ана шу ташкилотнинг номини ошкор қилиб қўйсангиз ёки ўзингизга юборилган хатларни эълон қилсангиз суд жавобгарлигига тортиласиз, деб унга таҳдид қилганлар.

ОБ-ХАВО

Бугун кундузи Ўзбекистоннинг кўпчилик районларида ёғингарчилик бўлиши, ёмғирнинг қорга айланиши кутилади. Шимолий-ғарб томондан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади, Фарғона водийсида шамолнинг тезлиги 18-20 метрга боради. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Бухоро областининг шимолий районларида ҳаво бир оз совиб, 0-5 даража совуқ бўлади. Қолган жойларда 0-5, Жанубда 7 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ёмғир ёғиб, қорга айланади Шимоли-Ғарб томондан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади, ҳарорат 0 даража атрофида бўлади.

ЗАБАСТОВКА ҲАРАКАТИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА

ФРАНЦИЯ

ПАРИЖ. Безансондаги (Ду департаменти) «Родиасета» химия заводи ишчиларидан уч мингдан кўпроқ киши корхонада тўла бўлмаган иш ҳафтасининг жорий этилишига қарши норозилик билдириб, иш ташлашни давом эттирмоқда. «Родиасета» компаниясининг Лионда ва унинг атрофида жойлашган бошқа заводлари меҳнаткашларидан ўн мингдан кўпроқ киши иш ташловчилар билан бирдамлик юзасидан забастовка ўтказмоқда.

Реймсдаги «Артур мартен» рўзғор электр заводи ишчиларидан 3500 киши маъмуриятнинг иш ҳақини камайтириш ниятига қарши норозилик билдириб, 24 соатлик забастовка ва намойиш ўтказишди.

Сена-Назерда машинасозлардан 3 минг киши иш ҳақининг оширилишини талаб қилиб, намойиш ўтказди.

ИТАЛИЯ

РИМ. Статистика марказий институти хабар беради: ўтган йили Италияда забастовка кураши натижасида 115.2 миллион иш соати йўқотилган эди. Бу рақам 1965 йилги ана шундай маълумотлардан икки баравардан зиёд кўпдир

Янги коллектив шартномалар тузган вақтда корхона эгаларининг меҳнаткашларни асосий ҳуқуқларидан ҳам маҳрум қилишга уринишлари, шунингдек иш ҳақининг оширилишига йўл қўймаслик учун ҳаракат қилганликлари сабабли ўтган йилдаги сингари шу йил бошида ҳам стачка кураши кучайиб кетди.

ЦЕЙЛОН

КОЛОМБО. Цейлон марказий банк касаба союзининг бирлашган комитети иш ҳақини ошириш ҳақидаги ўз талаблари 15 марттача қондирилмаса, банк хизматчиларининг забастовкасига қўшилиш ниятида эканлигини билдирди.

Банк хизматчиларининг забастовкаси бир ойдан кўпроқ вақтдан буён давом этаётир ва яқин вакт ичида тугайдиганга ўхшамайди. 15 мартда бу забастовкага марказий банк касаба союзи ҳам қўшиладиган бўлса, забастовка ҳаракати мамлакатнинг бутун банк секторига ёйилади.

ИСПАНИЯ

НЬЮ-ЙОРК. Испаниядаги забастовка кураши аҳолининг янгидан-янги табақаларини ўз ичига олмоқда. Юнайтед Пресс Интернэшнл агентлиги мухбирининг хабар беришича, Вальядо-Лида вилоят касалхонаси врачларининг забастовкаси давом этмоқда. Улар иш ҳақининг оширилишини талаб қилмоқдалар. Врачлар забастовка қилаётганликларига қарамай, даволанаётган беморларга шошилинч медицина ёрдами кўрсатмоқдалар. (ТАСС).

АЖОЙИБОТЛАР... ҚИЗИҚ ҲАНГОМАЛАР...

50 ҚОНУН ВА 50 АВТОРУЧКА

Вашингтондаги Америка пресс-клубининг ойнаванд стендида президент Жонсоннинг 50 авторучкаси қўйилган. Мана шу авторучкалар билан у конгресс томонидан қабул қилинган «Буюк жамият» тузиш планларини тасдиқлаб қўл қўйган эди.

Пресс-клуб ветеранлари бу авторучкаларга назар ташлаб, оғир хўрсиниб қўйишади. Чунки Оқ уйга Жонсон биринчи келган пайтда уларнинг ўзи уни осмонларга кўтариб мақташган эдилар.

«Тавба,— деб хитоб қилишади энди конгрессменлар,— қонунларни кетма-кет чиқариб ташлаяпти-ку!»

Жонсоннинг конгрессга ёзган энг сўнгги «Қашшоқлиққа қарши кураш» деб номланган хатини атоқли Америка публицисти А. Ф. Стоун қуйидагича шарҳлайди: «Жонсоннинг қашшоқлик ҳақидаги хатига объектив нўз билан қараган ҳар бир киши, қашшоқликка қарши кураш йўлидаги энг жиддий гов—бу Оқ уйдагиларнинг ўзининг ғоявий қашшоқлигидир, деган хулосага келади».

Лекин шундай бўлишига қарамай, кўпгина американиклар президент томонидан тақдим қилинган ва конгресс тасдиқлаган бу 50 қонун лойиҳасини мамнун бўлиб қарши олган эдилар. «Бу ҳаркалай жамиятимизнинг ҳамма жароҳатларини тузатолмайди, — дейишган эди улар.— Бу биринчи ёрдам, Шунинг ўзи ҳам кўп фойда келтиради».

50 авторучка ҳозир музей экспонатига айланди. Орадан сал вақт ўтмай машҳур 50 қонуннинг ҳам тақдири ана шундай бўлиб қолажаги ҳақида Вашингтонда миш-мишлар тарқалди.

УХЛАДИНГМИ? ЖАРИМА ТЎЛА!

Ливерпул яқинидаги бир шаҳарнинг маъмурлари яқинда қизиқ қарор чиқардилар. Агар кимни ўша ердаги кутубхонада қўлида газета ёки китоб билан мудраб қолгудек бўлса, унга беш фунт стерлинг жарима солинади.

ЎЛИМ ВА БОЙЛИК

Кейинги 34 йил ичида Америка футбол майдонларида 663 ўйинчи, фақат 1965 йилнинг ўзида эса 49 киши ҳалок бўлди. Ўлганларнинг ярмиси 16-18 ёшдаги ўсмирлар. Гап шундаки, Америка футбол майдонларида, умуман спорт майдонларида элементар қоида-қоидаларга ҳам риоя қилинмайди. Ҳеч ким «шўх» йигитларни тарбиялашни ўйламайди. Ҳарқалай спорт ташкилотларини бундай машъум ҳодисалар ҳунчалик қизиқтирмаса керак. Уларга шу спорт ўйинларидан неладиган фойда кўпроқ бўлса бас!

МАҲМАДОНА ДЕПУТАТ

Англия парламенти депутатларидан бири пассажир вагонларини ҳар турли даражага бўлиб қўйишни талаб қилди. Масалан, маҳмадона пассажирлар бир вагонда, индамаслар бир вагонда кетишлари керак эмиш. Депутатнинг таклифини муҳокама қилиш... уч соатга чўзилди.

«РОВЕСНИК» журналидан.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Ўзбек операларидан парчалар, 9.30 — Музикали танаффус, 10.10 — Чет эл артистларининг концерти, 11.10 — «Фан ва турмуш» (радиожурнал), 12.15 — Спорт, 12.30 — Камер асарлар, 12.50 — Қарши даштини суғориш проектининг бош инженери Т. Сидоров ҳикоя қилади (рус.), 13.30— Э. Браслис ва Э. Горовец куйлайди, 16.10 — Белоруссия бадиий коллективларининг концерти, 17.00 — Концерт, 18.10 — М. Глинка. «Патетик трио», 18.55 — Олий Совет депутатлигига номзод қилиб кўрсатилганларнинг сайловчилар билан учрашуви (Москва), 23.30— Концерт (қишлоқ хўжалик ходимларининг талабига мувофиқ).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 18.00 — **В. И. Ленин ҳақида ҳикоялар.**

Рус тилида: 18.20 — **Телевизион янгиликлар**, 18.35 — **Қизил елканлар** (ёшлар учун), 19.20 — **Таниш ва нотаниш номлар** (музикали эшиттириш).

20.50 — **Эртаги кун программаси.**

Ўзбек тилида: 20.10 — **Телевизион янгиликлар**, 20.25 — **Яхшидан ном қолади**, 20.50 — З. Обидов. **Кўнгил навоси** (адабий эшиттириш), 21.10 — **Завод мусобақа голиби**, 21.30 — **26 Баку комиссари** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 18.00 — **Адабий викторина** (болалар учун), 18.30 — **Чизма геометрия** (сиртдан таълим олаётган студентлар учун рус тилида ўқув программаси).

19.50 дан — **Москва кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 11/III да **Травиата.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/III да **Қотил**, 11/III да **Улимдан қочиш.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/III да **Ешлинда берган кўнгил**, 11/III да **Кимга тўй, кимга аза.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 10/III да **Замонавий чет эл симфоник музикаси.**

КИНО

Опа — «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «МИР», «ФЕСТИВАЛЬ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (2-залда жуфт соатларда, 1-залда кундуз соат 1, 5 ва кеч 9 да), САНЪАТ САРОЙИ (кеч 5 ярим, 7 ярим да).

Авдотья Павловна — «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

У Ватанни ҳимоя қилади — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (эрталаб соат 11, кундуз 3 ва кеч 7 да).

Ниссо — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Етти оғайни фарзандлари — НАВОИЙ номли (кундуз соат 1 ярим, 5 ва кеч 8.20 минутда), САНЪАТ САРОЙИ (кеч 9-15 минутда).

Розмари — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

Сир — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 да).

Қаҳрамонининг акаси — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10 да).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

11 мартда

ЗАМОНАВИЙ ЧЕТ ЭЛ СИМФОНИК МУЗИКАСИ

Программада:

1-бўлим

П. Хиндемит — Симфония «Рассом Матис» (Тошкентда биринчи ижро этилиши).

2-бўлим

Дж. Гершвин — Оркестр билан фортепьяно учун блюз оҳанглари асосида ёзилган рапсодия (Тошкентда биринчи ижро этилиши).

Б. Бриттен — Перселл темаси асосида ёзилган вариациялар ва фуга (Тошкентда биринчи ижро этилиши).

Ижрочилар:

Ўзбек Давлат филармониясининг симфония оркестри.

Дирижёр — **Зоҳид Ҳаҳиазаров.**

Солист — Берлин, Будапешт ва Брюсселда бўлиб ўтган Жаҳон конкурсларининг лауреати **Лазарь Берман** (Москва).

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида 12 дан сотилади.

Ўзбекистон КП Тошкент область Комитети ва область ижроия комитети область партия комитетининг аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг раиси

Абдулла ОРТИҚОВнинг

вақтсиз вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар ва марҳумнинг оиласига таъзия билдирадилар.

Бизнинг адрес ва телефонлар — СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 28. Редактор — В36545. Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323. Масъул секретарь — В34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283. Партия турмуши—В33469, В37221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31216. Коммунистик тарбия — В31455. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780. Совет қурилиши — В33258. Қишлоқ хўжалиги—В47604. Адабиёт ва санъат — В32036, В37221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34651. Маҳаллий ахборот — В32347. Оммавий ишлар ва хатлар — В38879, В33553. Иллюстрация — В34524. Стенографистка — В37343. Корректура — В37162. Эълонлар — В38142. Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258.

№ А — 58. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Р. 01645